

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

2016 № 3 (126)

1995 йилдан чиқа бошлаган

БОШ МУҲАРРИР:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ

Светлана АРТИКОВА

Қўчқор ТОҒАЕВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Холмўмин ЁДГОРОВ

Ғайрат ХИДОЯТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил 19 апрелда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг
2004 йил 17 декабрдаги
110/4-сонли қарорига
асосан ҳуқуқий, илмий-
амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 18.07.2016 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Элбек кўчаси, 8-уй.
Адади: 5900 нусха.
Буюртма № 135.

М У Н Д А Р И Ж А

2. **Х. ЁДГОРОВ**
Судьялар малакасини ошириш
5. **М. НАЗАРОВ, О. МАҲКАМОВ**
Озодликни чеклаш жазоси: миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар ва халқаро тажриба
8. **З. АМИРОВ**
Одил судлов: ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади
10. **М. МАМАСИДДИҚОВ**
Фуқаролик суд ишларини оптималлаштириш
12. **Х. ҚЎЧҚОРОВ, У. МИРЗАЕВ**
Буйруқ тартибида иш юритиш
15. **М. ЭРҒАШЕВ**
Қонуни ҳужжатларини уйғунлаштириш
18. **У. ХОЛИҚУЛОВ**
Қонуни ижодкорлигида одиллик принципини таъминлаш
21. **Ш. МУМИНОВ, В. ШАРИПОВ**
Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти
24. **Н. ХАЙРИЕВ**
Биринчи инстанция судида ҳукм чиқаришни интенсифлаштириш масалалари
28. **Ш. УМИДУЛЛАЕВ**
Шартли ҳукм қилиш
31. **А. АХРОРҚУЛОВ**
Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми ва уни янада такомиллаштириш юзасидан айрим фикр-мулоҳазалар
33. **Н. АШУРОВА**
Кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми
35. **А. ХОДЖАЕВ**
Табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқий асосларининг юридик табиати
37. *Суд амалиёти*

С О Д Е Р Ж А Н И Е

48. **Ш. МИРЗАЕВ**
Необходимость законодательной регламентации деятельности органов внутренних дел - требование времени
50. **Я. АБДУЛҲАКОВ**
Актуальные вопросы борьбы с торговлей детьми
52. **С. АЛИМУХАМЕДОВ, С. УЗАКОВА-КОДИРОВА**
Института оценки деятельности судей и судебной системы: сущность и значение
55. **С. ЖАҲОНГИРОВ**
Применение условно-досрочного освобождения и замены неотбытой части наказания более мягким

Судьялар малакасини ошириш

одил судлов самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили

Ҳуқуқий маданият даражаси фақат қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳуқуқий маданият — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи ҳамдир.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Судлар тўғрисида"ги қонунга асосан, судьялар одил судловни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари билан боғлиқ фуқаролик, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни кўради. Бунда улар ана шу ишларни қонуний, адолатли ҳал этишдек масъулиятли вазифани амалга оширишини таъкидлаш лозим.

Холмўмин ЁДГОРОВ,

Олий суд судьяси,

"Ўзбекистонда қонун устуворлиги

йўлида ҳамкорлик" қўшма

лойиҳасининг миллий координатори

Бу, ўз навбатида, судьядан чуқур ҳуқуқий билимга эга бўлишни ва ишларни кўриб чиқишда мавжуд билим ва амалий кўникмасини беғараз, холисона ва тўғри қўллаш олишини тақозо этади. Шу билан бирга, судья доимий равишда ўз касбий билими даражасини ошириб бориши, жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар билан ҳамнафас яшаши даркор. Зеро, "Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари"да алоҳида қайд этилганидек, судья ўз малакасини юқори даражада ушлаб туришга, назарий билимлари ва амалий кўникмаларини такомиллаштириб боришга мажбур.

Шу ўринда биргина мисол. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиб бораётгани ва бошқа соҳалар каби судлар фаолиятида ҳам ушбу замонавий технологиялар кенг қўлланилмоқда. Албатта, бу судьяларнинг замонавий технологиялар соҳасида ҳам зарур билим ва кўникмага эга бўлишини тақозо қилади.

Жумладан, "E-SUD" миллий электрон судлов тизимидан фойдаланиш учун су-

дьяларнинг бу йўналишда махсус малакага эга бўлиши талаб этилади.

Шунинг учун одил судловни амалга ошириш борасидаги судьялар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган айтиш масала юзасидан айрим мулоҳазаларимизни баён этиб, бу борада яратилган имкониятлар хусусида сўз юритмоқчимиз.

Авваламбор, судьялар мустақил таълим олиш усули орқали ўз билим ва кўникмаларини орттириб бориши лозим. Судьянинг мустақил таълим олиши - кундалик фаолиятининг бир қисми бўлиб, бунда у ўз билим ва кўникмаларини махсус таълим муассаларига бормасдан, тегишли дастурлар асосида ўқимасдан, уйда ва иш фаолияти давомида малакасини ошириб бориши талаб қилинади.

Мустақил таълим олиш жараёнида судья доимий равишда изланиши, амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларни амалиётда тўғри қўллашга оид адабиётлар ҳамда суд амалиётини мунтазам кузатиб, таҳлил қилиб бориши лозим. Бунда у йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг сабабларини ўрганиши, ўз фаолиятида уларни такрорламаслик чораларини кўриши зарур.

Судья ўзининг мустақил таълим олишини самарали ташкил этиш учун Олий

суд Пленуми қарорларини, суд-ҳуқуқ соҳасига оид миллий ва хорижий юридик адабиётлар ва нашрларни ўрганиб бориши даркор. Шунингдек, иш фаолияти давомида юзага келадиган мунозарали масалаларни ҳамкасблари билан ўзаро муҳокама қилиши ва масалатлар олиши мақсадга мувофиқ.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган электрон кутубхона (<http://supcourt.uz/uz/library>) судьяларга қонун ҳужжатлари, Олий суд Пленуми қарорлари, суд амалиёти материаллари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва чет эл тажрибасини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси"да Олий судда кўрилган, суд амалиёти учун муҳим бўлган фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан мисоллар бериб борилиши йўлга қўйилган. Табиийки, бу судьяларга қонунларни бир хилда қўллаш масаласини ўрганишлари учун амалий қўлланма вазифасини ўтайди.

Шунингдек, Олий суд томонидан "Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатлари", "Фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари намуналари", "Оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиқувчи низолар бўйича суд амалиёти", "Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар бўйича амалий қўлланма", "E-SUD электрон судлов ахборот тизимида ишлаш бўйича фуқаролик судлари судьялари, суд ходимлари учун қўлланма", "Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари" ва "Судлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами" каби қатор қўлланмалар чоп этилган. Ана шу манбаларнинг барчаси судьяларга касбий кўникмаларини оширишида яқин ёрдамчи бўлади десак, муволафа бўлмайди.

Бундан ташқари судья ўз дунёқарашини янада кенгайтириши, ҳуқуқий билимларини ошириши учун тажрибали, билимли, маънавий етук инсонлар билан мулоқот қилиши, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва тавсиялари асосида те-

гишли хулосалар чиқариши, шубҳасиз, судьянинг иш фаолияти самарадорлигини оширишида, муайян ҳолат бўйича қарор қабул қилиш борасида ички ишончини мустаҳкамлашига кўмаклашади. Бу ўринда судьялар билан ўтказилаётган маънавий ва маърифат дарслари, кўп йиллик иш тажрибасига эга судьялар билан мулоқотлар, семинар машғулоти муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этиш лозим.

Шунингдек, судьянинг даврий матбуот материаллари билан мунтазам танишиб бориши, бир томондан, унинг дунёқарашини кенгайтирса, иккинчи томондан, оғзаки ва ёзма нутқининг ривожланишига ҳисса қўшади. Улуғ аждодимиз Абу Мансур Мотуридий таъбири билан айтганда, илм олмоқлик яхши рухий сифат эгаларида эзгу фазилатларнинг янада раванқ топишига хизмат қилади.

Бундан ташқари судьялар махсус малака ошириш курсларида ўқиш орқали ҳам ўз билим ва касбий кўникмаларини ошириб бориши мумкин. Бинобарин, "Судлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, судьялар малакасини оширишни ташкил этиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди зиммасига юклатилган.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш марказида Олий суд билан ҳамкорликда мунтазам равишда суд раислари, уларнинг ўринбосарлари, судьялар, судьялик лавозимига илк бор заҳирага олинган номзодлар учун тегишли малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилган. Бу ўқув курсларида судьялар махсус таълим дастурлари асосида ўз малакасини оширмоқда.

Кейинги йилларда судьяларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида қатор ижобий ишлар қилинди. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармо-

ни бу борада муҳим аҳамият касб этганини алоҳида қайд этиш лозим.

Хусусан, Фармонда юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш ҳамда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Юристар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи назарда тутилгани айтиш мумкин. Бу жараёнга мамлакатимизнинг энг тажрибали ва етук олимлари, ҳуқуқшунослар ва мутахассислари жалб этилгани фойда муҳимдир.

Бунда, фикримизча, чуқур билим ва бой тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар ва амалиётчи мутахассислар салоҳиятидан янада кенг фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, судьяларга таълим бериш иқтидорига эга профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш ва уни мунтазам равишда янгиланган бериш ҳам кун тартибидagi муҳим масалалардан бири, деб ўйлаймиз.

Халқаро тажрибага муурожаат этадиган бўлсак, айрим илғор хорижий давлатларда малака ошириш ўқув курсларига профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларни танлашда уларнинг судьяларга таълим бериш услубияти бўйича махсус тайёргарликдан ўтган бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Суд ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Европа уюшмаси томонидан жорий йилнинг январь ойида суд ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш методологияси бўйича махсус қўлланма яратилганлиги эътиборга сазовордир. (<http://www.ejtn.eu>).

Табиийки, ўқитувчиларнинг бундай тайёргарликдан ўтиши судьяларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, сифатли ўқув дастурларининг яратилишига, ўқув жараёнига таълим беришнинг ҳамда судьялар олган билим ва кўникмаларни баҳолашнинг фаол усулларини жорий этишга кўмаклашади. Энг му-

ҳими, анъанавий маърузага асосланган ёндашувлар, ўз навбатида, кичик гуруҳларда ишлаш, умумий муҳокамалар, амалий мисолларни кўриб чиқиш ва ўрганиш, тажрибага асосланган машқлар каби ўқитишнинг янги усуллари билан тўлдириб борилиши лозим.

Таълим жараёнида иштирокчилар ўртасида ўзаро мулоқот ҳамда судьяларни ўқитишнинг мақбул усулларини танлаш, айтишга, аҳамиятлидир. Хусусан, ўқув хоналарида ўтказиладиган машғулотларни суд амалиётидаги турли вазиятларга боғлаш, бундай машғулотларни кўчма тарзда ёки онлайн усулида ўтказиш ҳам кутилган самарани беради.


Бундай таълим жараёни стационар ҳолда ёки масофадан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин. Асосийси, бу жараёнлар судьяларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курси тугагач, уларнинг олган билим ва кўникмаларини холисона ва ҳар томонлама баҳолаш механизмининг такомиллаштириш имконини беради.

Кези келганда, "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳасининг 2016 йилги иш режасида судьяларнинг узлуксиз таълими ва малакасини ошириш билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирлар, хусусан, илғор чет эл тажрибасини ҳамда миллий амалиётни таҳлилий, қиёсий ўрганиш белгиланганини қайд этиш жоиз.

Бунинг натижасида судьяларнинг таълим олиши ва малакасини ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ тавсиялар ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиши назарда тутилган. Шунингдек, судьяликка номзодлар, судьялар ва суд ходимлари учун ўқув-услубий қўлланмалар, долзарб мавзулар акс этган дастурлар ва бошқа ёрдамчи материаллар тайёрланиши режалаштирилган.

Ушбу тадбирларнинг барчаси бевосита судьяларнинг билим ва касбий малакасини оширишга қаратилган бўлиб, бу, ўз навбатида, мамлакатимизда одил судлов самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Озодликни чеклаш жазоси: миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар ва халқаро тажриба



Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган жазо тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди.

М. НАЗАРОВ,
Олий суд судьяси

О. МАҲКАМОВ,
юридик фанлар доктори

Президентимиз Ислom Каримов таъкидлаганидек, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чоратадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Ишончим комил, хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш шарт эмас - бу давлатга жуда қимматга тушади, қолаверса, бундай жазо тури маҳкумларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш вазифасини ҳал қилмайди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан

кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир¹.

Айтиш керакки, мамлакатимизда жазоларни либераллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари изчиллик билан такомиллаштириб келинмоқда. Жумладан, 2015 йил 10 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Жиноят кодексининг жазолар тизимида янги (481-модда) "Озодликни чеклаш" жазоси киритилди. Мазкур нормага мувофиқ озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб би-

лан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборатдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига мос, шахсни жамиятдан ажратмасдан туриб уни ахлоқини тузатувчи, жиноятларни олдини олишга хизмат қилувчи жазоларнинг самарадорлиги ошириш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келаётгани бежиз эмас, албатта. Озодликни чеклаш жазосини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларга пенализация қилиниши бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг изчил давоми ҳисобланади. Чунки ушбу жазо турининг жорий қилиниши қуйидагилар билан белгиланади: биринчидан, озодликни чеклаш жазосининг кенг қўлланилиши жиноят ҳуқуқида инсон ҳуқуқларини таъминловчи муҳим мезон бўлиб хизмат қилади; иккинчидан, озодликни чеклаш жазоси, моҳият-эътибори билан жиноят қонунини либераллаштиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади; учинчидан, озодликни чеклаш жазосини қўллаш шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда, уни ахлоқан тузатиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир; тўртинчидан, озодликни чеклаш жазосини қўллаш бир неча асосларга кўра, давлат учун ҳам маъқулдир (иқтисодий маънода — дав-

лат бюджетдаги маблағларни тежаш, ижтимоий маънода — озодликдан маҳрум этиш муассасаларидаги шарт-шароитнинг маҳкумга салбий таъсири олдини олиш ва бошқалар) ва ниҳоят, бешинчидан, миллий қонунчилигимизда озодликни чеклаш жазосини жорий этилиши халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоида ва тамойилларига мос бўлиб, ўз навбатида, миллий сиёсатнинг халқаро-ҳуқуқий сиёсат билан ўзаро ҳамоҳанглигини таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда қўлланиладиган озодликни чеклаш жазоси назоратни назарда тутувчи жазолар тоифасига киритилган бўлиб, унинг бир неча номлари мавжуд. Булар: а) уй пробацаяси; б) муносиб хулқ-атворда бўлишнинг махсус турлари; в) махсус васийлик; г) уй қамоғи; д) озодликни чеклаш.

Озодликни чеклаш (турли мамлакатларнинг терминологиясида — уй пробацаяси, уй қамоғи, деб юритилади) қўлланилганда айбдордан маълум давр мобайнида уйда қолиш талаб этилади. Унинг давомийлиги сутканинг тун қисми билан ёки иш соатларидан ташқари барча вақт билан чегараланиши мумкин. Озодликни чеклаш шароитлари спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан ўзини бутунлай ёки қисман тийиш, мажбурий даволаш курсини ўташни ўз ичига

олиши мумкин. Одатда, маҳкумлар пробацая хизматининг доимий назорати остида бўлади. Бу шахсий назорат ёки айбдор устидан электрон назорат ўрнатиш орқали бўлиши мумкин.

Электрон назорат ўрнатилганда назорат остидаги шахс билагида ёки оёғида махсус электрон билакузукни ҳеч қачон ечмасдан тақиб юриш мажбуриятини олади. Нормал (пассив) ҳолатда билакузук компьютер ёки назорат қилувчи инспекция телефон тармоғи орқали олинувчи сигналга назорат остидаги шахс белгиланган жойни тарк этмаётгани ҳақида жавоб йўллаб туради. Фаол ҳолатда ("мижоз" ҳаракатланганда) билакузук давомли сигнал беради. Шахс ўзига кўрсатилган ҳудудни тарк этса, сигнал тўхтайдиган ва шу тариқа назоратчи зобитни кўрсатма бузилгани ҳақида хабардор этади.

Электрон назоратдан фойдаланиш амалиёти ҳар хил бўлиши мумкин. Мисол учун Швецияда бу жазони қўллаш борасида диққатга сазовор тажриба тўпланган. Қамоқхоналар ва пробацая миллий маъмурияти қисқа муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган айбдорларга бу жазони турмада эмас, балки жамиятда электрон мониторинг ёрдамида интенсив назорат остида ўташни таклиф қилади. Бу айбдор ўз розилиги билан жиноий жазо муддатини уйда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шароитда ўтказишини англа-

тади. Электрон назоратни қўллаш учун зарур шартлар қуйидагилардан иборат: қамоқ жазосининг муддати 2 ойдан ошмаслиги керак; назорат остидаги шахс ўз уйи (квартираси) ва телефонига эга бўлиши лозим ("мижоз" розилиги билан телефон унинг пулига ўрнатилиши мумкин); назорат остидаги шахс ишлагани, ўқигани ёки махсус таълим курсларига қатнагани маъқул; айбдор ишламаса, пробацция хизмати унга ишга жойлашишга кўмаклашади; бундай ҳолларда электрон назорат шахс уйдан ишга ёки ўқишга чиққунга қадар ва уйга қайтиб келганидан сўнг амалга оширилади, ўқиш ёки меҳнат фаолияти даврида эса, маҳкумни иш ёки ўқиш жойида махсус тайинланган шахс назорат қилади; айбдорнинг у билан бирга яшайдиган оила аъзолари ёки қариндошларининг розилиги олиниши лозим.

Умуман олганда, "озодликни чеклаш"нинг афзаллиги шундаки, бу жазо тури биринчидан, маҳкум синов шартларини бузмасдан бошқа жиноятларни содир этишига йўл қўймайди. Иккинчидан, бу жазо жуда қулай бўлиб, у (ҳатто электрон мониторинг) исталган жойда қўлланилиши мумкин, унинг шароитларини айбдор уйдан ташқаридаги ҳар хил фаолият турларида иштирок этишига мослаштириш жуда осон. Пробацциянинг бошқа турлари билан ўхшашлик бўйича "озодликни чеклаш" айбдорга оилавий муносабатларни уз-

маслик, меҳнат ёки ўқиш фаолиятини давом эттириш имконини беради.

Озодликни чеклаш ҳозирги вақтда қамоқ жазосига айниқса, мос келадиган муқобил жазо тури ҳисобланади. Чунки у озодликдан маҳрум қилишни бош функцияси — айбдорни жамиятдан ажратмасдан, ташқи дунё билан алоқани (муносабат) узмаслик функциясини бажаради. Озодликни чеклашнинг аҳамияти яна шу билан белгиланадики, у ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш вазибаларини қамоқ жазоси билан боғлиқ муаммолар мажмуисиз ҳал қилиш имконини беради.

Европанинг аксарият мамлакатларида озодликни чеклаш турли шаклларда қўлланилади: биринчидан, ундан озодликдан маҳрум қилишнинг муқобил жазо тури сифатида фойдаланилади. Бунда озодликни чеклаш айбдор қамоқ жазосига ҳукм қилинган ҳолда тайинланади. Айни ҳолда қамоқ жазоси айбдор "уй қамоғи"да сақланган тақдирда кечиктирилади. Иккинчидан, озодликни чеклаш билан қамоқ жазосининг ўталмаган муддати алмаштирилиши мумкин.

Озодликни чеклаш кўп миқдорда молиявий ресурсларни тежаш билан бир қаторда бошқа қулай имкониятлар ҳам яратади. Одатда, айбдорлар ўз ишини сақлаб қолишига рухсат

берилади, баъзан ҳатто улардан ишни бажариш талаб қилинади. Айбдор ўз иш ўрнини сақлаб қолишга қодир бўлмаса, у ижтимоий фойдали ишларни бажаради.

Бизнингча, ушбу жазо турининг қуйидаги белгиларига эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, мазкур жазони қўллашда суд айбдорга у ёки бу мажбуриятни юклаши лозим. Жумладан, турар жойни (уйни) тўлиқ ёки сутканинг бир қисмида тарк этмаслик, муайян бир ҳудуд ёки жойга бормаслик ва бошқалар. Иккинчидан, айбдор шахс махсус назорат қилувчи органлар назорати остида бўлиши керак. Масалан, ҳафтада бир ёки икки мартаба уларнинг назоратидан ўтиши талаб этилади. Учинчидан, агар шахс алкоголизм ёки гиёҳвандликка чалинган бўлса, назорат қилувчи органлар рухсати билан махсус даволаниш курсларини ўташи лозим. Тўртинчидан, мазкур жазо тури озодликдан маҳрум қилиш ва қамоқ жазоларига муқобил бўлиб, унинг муддати 6 ойдан 5 йилгача бўлиши лозим. Бешинчидан, уй қамоғи доимий яшаш жойига эга бўлган шахсга тайинланиши лозим. Шу билан бирга у ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга тайинланиши мумкин эмас.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Тошкент: "Ўзбекистон", 2010.-Б.20.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизмида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади - инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати - суд ҳокимияти нуфузини ошириш, судларнинг чинакамига мустақиллигини таъминлаш, демократик, инсонпарвар ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтиришдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Одил судлов: ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади

3. АМИРОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси
катта илмий ходим-изланувчиси*

Таъкидлаш лозимки, суд ҳокимиятининг нуфузи энг аввало, мазкур органлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг ижро кучига боғлиқдир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, шахс ҳуқуқларини чеклашнинг суд тартибида амалга оширилиши, шунингдек, суд тартибида қўлланиладиган маъмурий жавобгарлик чораларини қўллашга оид ҳар қандай суд қарорининг амалда тўлиқ ижро этилиши биринчи навбатда, ишда иштирок этувчи шахслар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни таъминласа, иккинчи томондан, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш орқали суднинг обрўсини янада оширишга шароит яратади.

Маълумки, амалдаги қонунчилигимизда одил судлов соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш функциясини амалга оширишда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга аниқ белгиланган маъмурий чекловларни қўллаш орқали қатъий тартиб-таомилларни жорий этиш асносида одил судловнинг амалга оширилишига эришилади.

Ҳуқуқшунос олим А.В. Цихоцкий бу ҳақида фикр юритиб, турли тарихий даврлар ва давлатларда одил судлов ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бўлиб, унинг айрим белгилари ўзгарган бўлса-да, бироқ моҳияти ҳар

доим суднинг ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш борасидаги адолатли фаолиятининг натижаси сифатида эътироф этилган, дея таъкидлайди.¹ Ҳуқуқ тушунчасининг асосида эса, ҳақиқат ва адолат тамойиллари мужассам.

Одил судлов тушунчаси ҳуқуқ назариясида ўзининг кўп аспектли ва мазмундорлиги билан ифодаланади. Амалдаги қонун ҳужжатлари ва суд амалиётида ушбу тушунча жуда кўп учрайди. Юриспруденция ихтисослигининг махсус йўналишларидаги тадқиқот ишларида одил судлов суд ҳокимиятининг фаолиятини характерловчи асосий белги сифатида қайд этилган.

Одил судловнинг моҳиятини амалдаги қонунчилик асосида изоҳлайдиган бўлсак, Жиноят процессуал кодексининг 455-моддасида ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги кўрсатилган.² Шу билан бирга амалдаги Жиноят кодексига белгиланган "одиллик", "айб учун жавобгарлик", "жавобгарликнинг муқаррарлиги"³ каби принципларни инобатга оладиган ҳамда содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораси ушбу мезонлар доирасида танланадиган бўлса, жазодан кўзланган натижага, яъни шахсни тарбиялашга эришилмасдан қолмайди. Мамлакатимиз жиноят қонунчилигида ҳам, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда ҳам жазодан мақсад энг аввало, шахсни тарбиялаш экан, демак, бунга айнан одил судловнинг халқаро ва миллий стандартларига тўла риоя қилиш билангина эришилади. Бу эса, ўз ўзидан нафақат ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни тарбиялаш, балки уни кўриб,

эшитиб турган шахсларни, керак бўлса, бунга гувоҳ бўлган бошқа шахсларнинг ҳам тарбияланишига туртки бериш асносида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди олинишига замин яратилади. Айни пайтда бундай фаолият ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалда таъмин этишда энг самарали воситаси ҳисобланади. Бинобарин, 2014 йил 14 майда қабул қилинган "Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаларидан бири сифатида — шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш назарда тутилган. Шубҳасиз, ушбу вазифаларнинг бажарилиши жамиятда барқарорликнинг таъминлинишига кўмаклашади.

Шунингдек, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180-моддасида "Судга ҳурматсизлик қилиш" — деб номланган махсус норма мавжуд. Ушбу ҳуқуқбузарлик объектив томондан — гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахслар ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик қилишдаги ҳаракатларида ифодаланади.⁴

Судга ҳурматсизлик қилиш, яъни суднинг чақирувига биноан узрли сабабларсиз келмаслик ёки судда раислик этувчининг фармойишларига бўйсунмаслик ёхуд суд мажлиси вақтида тартибни бузиш ёинки умуман суднинг обрўсига путур етказувчи қилмишлар суднинг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади, суднинг нуфузига путур етказиб, суд залида иштирок этаётган процесс иштирокчиларига халал бериши мумкин. Оқибатда ишни қонуний, асосли ва адолатли ҳал этишга етарли имкон бўлмаслиги мумкин. Юқорида қайд этилган ҳар бир хатти-ҳаракат суд процесси иштирокчиларига нисбатан беписанд қараш асносида суднинг обрўсига жиддий путур етказишга қаратилганлиги билан ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Бу албатта, шундай қилмишни содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан жиддий ҳуқуқий таъсир чораларини кўришни тақозо этади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, жиноят ишлари бўйича суд процесси иштирокчилари сифатида гувоҳ ва жабрланувчилар (баъзан ҳатто процесснинг бошқа иштирокчилари ҳам) нафақат ахлоқий жиҳатларни унутиб қўядилар, балки улар суднинг чақирувига нисбатан уму-

ман эътиборсиз қарайдилар ва процессга узр-сиз сабаблар билан келмайдилар. Оқибатда кўрилатган иш бир, икки ва ҳатто уч мартагача ҳам кейинга қолдирилаверади. Баъзан эса, процесс иштирокчиларини судга чақир-иш уларда норозилик кайфиятини пайдо этиб, ҳатто суд залини беписандлик билан тарк этиб кетиб қоладилар. Бундан ташқари айрим ҳолларда ишда иштирок этиши лозим бўлган шахс узоқ муддат хизмат сафарига кетиши, телефон кўнғироқларига жавоб бермаслиги, почта жўнатмаларини қабул қилмаслиги оқибатида ҳам иш кейинга қолдирилади. Бундай ҳолларда ҳатто ушбу шахсларни процессга мажбурий келтиришнинг ҳам имкони бўлмай қолади. Суд ва судьяга нисбатан процесс иштирокчилари томондан қилинадиган бундай беписандликда ифодаланган шундай ҳаракатлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айнан 180-моддаси билан малакаланиши мақсадга мувофиқдир. Бироқ бизнингча, ушбу моддани матни янада такомиллаштириш, уни аниқлаштириш лозим. Шундан келиб чиқиб, мазкур модда матнини қуйидаги таҳрирда ифодалашни таклиф этамиз:

180-модда. Судга ва(ёки) судьяга ҳурматсизлик қилиш.

Гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик ёинки судьяни очикдан-очик менсимайдиган хатти-ҳаракатларни содир этишда ифодаланган ҳурматсизлик қилиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, одил судловни таъминлаш судьялар фаолиятининг бош мезони, амалдаги қонунларнинг асосини ташкил этади. Бу орқали жамиятда содир этилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан адолатли чоралар қўлланилиши таъминланади, оқибатда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди олинишига эришилиши ҳамда бошқа шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатиш таъминланади.

¹ Цихоцкий А.В. Теоретические проблемы эффективности правосудия по гражданским делам. Новосибирск, 1997; Фокина М. Система целей доказывания в гражданском и арбитражном процессе. Общие положения // Арбитражный и гражданский процесс. 2006. № 4. С. 26 - 27.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда.

Фуқаролик суд ишларини ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, ўтган даврда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти
бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори

Айтиш керакки, Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур Фармонга асосан мутасадди идоралар зиммасига туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқиш ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

Бинобарин, бу фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш мақсадида энг қулай ва энг яхши натижа берадиган шарт-шароитларни яратиш масаласининг долзарб эканини

кўрсатади.

Фуқаролик ишлари бўйича суд тизимини оптималлаштиришдан кўзланган мақсад, аввало, фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкламасини камайитиришдан иборат. Бунда, шунингдек, судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишни таъминлаш, судларни уларга хос бўлмаган айрим техник ва ташкилий ишлардан халос қилиш ва судларнинг диққат-эътиборини одил судловни амалга оширишга қаратиш ҳам назарда тутилади.

Айтиш керакки, миллий қонунчилигимиз тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятида муайян соҳа вакилларининг ёрдамчилари институти амал қилади. Масалан, "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда прокурор

ёрдамчилари, "Адвокатура тўғрисида"ги қонунда адвокат ёрдамчиси, "Нотариат тўғрисида"ги қонунда эса, нотариус ёрдамчисига оид нормалар назарда тутилган.

Шу ўринда судья ёрдамчиси ва уларни тайёрлаш, малакасига қўйилган талабларга доир айрим хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратамиз. Масалан, АҚШ Ҳуқуқий мактабида таълим олиш вақтида судья ёрдамчилари, яъни клерклар ва котиблар АҚШда мавжуд бўлган фуқаролик, жиноят ишларини, банкротлик тўғрисидаги ишларни судда кўриш ва ҳал этиш ҳамда бошқа махсус процессуал тартиб-таомилларга алоқадор масалалар бўйича барча асосий ўқув курсларини ўрганишлари талаб этилади. Судья ёрдамчилари ва суд котиблари судда ишлаш учун таклифни қабул қилганларидан сўнг судья уларнинг Ҳуқуқий мактабда олган билимларини текшириб кўради ва зарурат бўлса, ўқиш учун қўшимча махсус курсларга тавсия этиши ҳам мумкин.

АҚШнинг бу борадаги тажрибасига кўра, судья ёрдамчиси лавозимини эгаллаши тахмин қилинаётган талаба Ҳуқуқий мактабда таълим олиш жараёнидаёқ судья томонидан унга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳақида маълумотларга эга бўлади.

Ўз навбатида, Ҳуқуқий мактаблар ҳам талабаларга суд ёрдамчиси ва суд котибининг вазифалари ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фойдали маълумотларни тақдим этиб боради. Айрим судьялар ушбу лавозимга талабгорларга таклиф этилаётган ишнинг ёзма баёнини ҳам жўнатади. Бу каби ёзма баён талабгорда таклиф этилаётган ишнинг нечоғлиқ қизиқарли эканини аниқлаш, бўлажак фаолияти ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш каби имкониятларни яратади.

АҚШда ҳуқуқий масалалар бўйича судья ёрдамчилари ўз эътиборини асосан ҳуқуқий масалаларни тадқиқ этиш ва процессуал ҳужжатларни тайёрлашга қаратади. Қоидага кўра, ҳуқуқий масалалар бўйича уларнинг мажбуриятлари доирасига ҳуқуқий тадқиқотларни ўтказиш, иш ҳақида ахборотлар тайёрлаш, айрим масалалар бўйича буйруқ ва фикрномаларни тузиш каби масалалар киради.

Бу мамлакатда аксарият судьялар судда кўрилаётган ишларни ҳуқуқий масалалар бўйича судья ёрдамчилари билан муҳокама қиладди. Судья ёрдамчиларининг асосий вазифаси ҳуқуқий масалалар бўйича суд ҳужжатларини тўплаш, процесс иштирокчиларининг суд залига келишини таъ-

минлаш ва судьянинг бошқа топшириқларини бажаришдан иборат.

Германия Федератив Республикаси суд тизимида судьянинг ёрдамчиси "рехстпфлегер" деб юритилади. Улар нафақат судьялар томонидан одил судлов амалга оширилишини таъминлашга кўмаклашади, балки айрим тоифадаги ишларни судда кўриш жараёнида бир қатор ваколатларга эга экани билан ажралиб туради. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Германияда ушбу лавозим жорий этилиши билан боғлиқ дастлабки йилларда судья ёрдамчисининг асосий вазифаси судьяларнинг иш ҳажмини камайтиришга кўмаклашиш ва қолдиқ ишлардан озод қилишдан иборат бўлганини кўриш мумкин.

Германияда судьялар ёрдамчиларининг ваколатлари 1969 йилда махсус қабул қилинган "Судьянинг ёрдамчиси тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинган. Судья ёрдамчиси гарчи судья ҳисобланмасда, бироқ унинг бир қатор вазифалари судьяларникига ўхшайди. Хусусан, судья ёрдамчиси муайян тоифадаги ишлар, яъни мерос, кадастр ишлари, васий ва ҳомийлик билан боғлиқ ишлар юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Эътиборли жиҳати шундаки, Германия, Австрия, Дания ва Эстония каби давлатларда судья ёрдамчиси суд буйруқларини чиқариш каби ваколатларга ҳам эга. Францияда эса, ҳозирги кунда бу каби ваколатни суд котибларига (greffiers) тақдим этиш масаласи муҳокама этилмоқда.

Шу ўринда судья ёрдам-

чисига суд буйруғини чиқариш ҳуқуқининг берилишига оид хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибаси чуқур ўрганиш аҳамиятли эканини таъкидлаш жоиз. Зеро, мамлакатимизда фуқаролик ишлари бўйича судларда чиқарилаётган суд буйруқларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2014 йилда туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан чиқарилган суд буйруқларининг сони 957 минг 10 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 968 минг 291 тага етган.

Хуллас, хорижий давлатлар қонунчилигидаги ижобий тажрибани инobatга олган ҳолда, шунингдек, туманлараро, туман (шаҳар) судлари одил судловни сифатли амалга ошириши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлаш, туманлараро туман (шаҳар) судларида судьяларнинг иш билан бандлигини мақбуллаштириш мақсадида мамлакатимизда ҳам фуқаролик ишлари бўйича судьялар ёрдамчилари лавозими жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Чунки судьялар ёрдамчилари лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган шахсларнинг киритилиши ва уларга фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш бўйича айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, низосиз талаблар бўйича суд буйруқларини чиқариш каби вазифаларнинг юклатилиши, ўз навбатида, келажақда мамлакатимизда судьялар захирасини шакллантириш, судьялик лавозимларига тавсия этиш учун энг яхши номзодларни танлаш имконини беради.

Бўйруқ тартибида иш юритиш

фуқаролик ишларини юритишнинг ушбу муҳим шаклини янада такомиллаштириш зарурати

Мамлакатимизда истиқлол йилларида кенг кўламда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсади — ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун кенг шароитлар яратиш ҳамда шунга мутаносиб равишда судларнинг иш юритиш тартибини имкон даражасида соддалаштиришни назарда тутати.

Х. КЎЧҚОРОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
катта илмий ходими-изланувчиси,*

У. МИРЗАЕВ,

мустақил изланувчи

Маълумки, фуқаролик суд ишларини юритиш соҳасида одил судлов тезкорлигини таъминлашнинг самарали воситаларидан бири иш кўришни соддалаштиришга қаратилган янги шаклларни жорий этиш ёки амалдагисини такомиллаштиришдан иборат. Фуқаролик ишларини соддалаштирилган тартибда юритишнинг муҳим шакли бу — буйруқ тартибида иш юритишдир.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг соддалаштирилган ва ихчамлаштирилган шакли сифатида айрим тоифадаги фуқаролик ишларини суд буйруғи чиқариш йўли билан ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда буйруқ тартибида иш юритишнинг якуни бўйича суд буйруғи чиқарилади.

Суд буйруғи — ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир.

Фуқаролик процессида буйруқ тартибида иш юритиш институти жорий этилганидан сўнг судьялар томонидан

фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилув қарори чиқариб кўрилган ишларнинг сони жиддий қисқаргани эътиборни тортади. Масалан, агар суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар доираси кенгайтирилмасидан аввал, яъни 2007 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларда 500 мингтадан зиёд иш ҳал қилув қарори чиқариб кўрилган бўлса, 2015 йилги маълумотларга қараганда, ҳал қилув қарори чиқариб кўрилган ишларнинг сони айти даврага келиб қарийб икки баравар камайган.

Шу билан бирга, судлар томонидан чиқарилаётган суд буйруқларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2007 йилда мамлакатимиз миқёсида фуқаролик ишлари бўйича судларга суд буйруғини чиқариш юзасидан келиб тушган аризаларнинг умумий сони 11 мингтадан зиёдни ташкил қилган.

Айти чоғда, 2015 йилга келиб бу борада чиқарилган суд буйруқларининг сони салкам 1 миллионга етган. Бу эса, ўз навбатида, суд буйруқларини чиқариш бўйича судьялар иш ҳажмининг тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда фуқаролик процессида буйруқ тартибида иш юритишнинг замон талабларига мувофиқ такомиллаштиришнинг самарали йўналишларидан бири — уни автоматлаштириш, яъни суд буйруғини тўлали-

гича электрон суд тартиб-таомилларига ўтказиш ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, дунёнинг бир қатор давлатлари, жумладан, Австрия, Венгрия ва Германияда автоматлаштирилган буйруқ тартибида иш юритиш тўлалигича амалиётга жорий этилган.

Маълумки, "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси фаолияти доирасида "e-sud" миллий электрон ахборот судлов тизими яратилди. Бу тизимнинг суд буйруғини чиқариш бўйича қисми бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича Зангиота, Юқоричирчиқ, Бекобод туманлараро судлари, Тошкент шаҳри фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Миробод, Шайхонтоҳур ва Учтепа туманлараро судларида самарали фаолият юритмоқда.

Шу ўринда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига 2014-2015 йилларда жисмоний ва юридик шахслар томонидан "e-sud" миллий электрон ахборот судлов тизими орқали қарийб 70 мингта мурожаат келиб тушган.

Тошкент шаҳри фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Миробод, Шайхонтоҳур ва Учтепа туманлараро судларига эса, жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида жисмоний ва юридик шахслар томонидан мазкур тизим орқали 7 минг 300 дан зиёд электрон тарздаги мурожаатлар жўнатилган.

Шу ўринда 2015 йил 9 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонуннинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиш лозим.

Ушбу қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, эндиликда фуқаролик иш-

лари бўйича судларга электрон шаклда мурожаат қилиш тартиби жорий этилди. Натижада юртдошларимиз фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон шаклда мурожаат этиш, суд чақирув қоғозлари, қарор нусхалари ва бошқа ҳужжатларини электрон шаклда юбориш имкониятига эга бўлади.

Фуқаролик процессуал кодексига киритилган мазкур янгилик билан эндиликда суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза ахборот тизими орқали электрон шаклда берилиши мустаҳкамланди. Шунингдек, суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари ажрим чиқарилганидан кейин уч кундан кечиктирмай тарафларга имзо қўйдириб топширилиши ёки уларга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши назарда тутилди.

Айни чоғда буйруқ тартибида иш юритишни тўлиқ электрон суд тартиб-таомилларига ўтказиш учун Фуқаролик процессуал кодексини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 238⁹-моддасига суд буйруғи судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимча киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу маънода миллий қонунчиликка киритилаётган кейинги ўзгартишларда суд буйруқлари судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилишини назарда тутишга эътибор қаратилаётгани муҳимдир. Масалан, 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан амалга киритиладиган ушбу янги-

ликка мувофиқ, ушбу кодекснинг 110-моддасида суд буйруғи, 210-моддасида эса, ижро варақаси судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилиши каби нормалар билан мустаҳкамланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида судга электрон шаклда тақдим этилаётган суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар ундирувчи ёки унинг вакили электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши белгилаб қўйилган.

Буйруқ тартибида иш юритишни тўлиқ автоматлаштириш, ўз навбатида, манфаатдор шахсларнинг суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан ахборот тизими орқали электрон шаклда мурожаат қилиш механизмларининг йўлга қўйилишига ҳам боғлиқдир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 238³-моддасида суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза ахборот тизими орқали электрон шаклда берилиши белгиланган. Мазкур моддада электрон шаклда берилаётган ариза ундирувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши қайд этилган.

Бироқ бундай имзоларнинг электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши тўғрисида ушбу кодексда ҳеч қандай норма назарда тутилмаган. Ушбу шаклдаги аризаларга илова қилинаётган ҳужжатлар ҳам ўз-ўзидан электрон кўринишда бўлишини инобатга оладиган бўлсак, Фуқаролик процессуал кодексда бу ҳақда махсус норма киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бинобарин, 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси бешинчи қисмида электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга

бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши кераклиги қайд этилган.

Шундай экан, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризининг мазмунига улар судга электрон ҳужжат шаклида тақдим этилаётганда ундирувчи ёки унинг вакили электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши, аризаларга илова қилинаётган ҳужжатлар ҳам электрон кўринишда бўлиши каби талабларни белгилаш лозим.

Буйруқ тартибида иш юритишни автоматлаштириш ҳақида фикр юритар эканмиз, яна қуйидаги масалага эътибор қаратиш талаб этилади. Яъни Хўжалик процессуал кодексининг 105-моддасига кўра, кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризининг нусхасини топшириши шарт.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрда қабул қилинган "Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 9-бандида тушунтириш берилишича, қарздор — юридик шахсга суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризининг нусхаси топширилганлигининг далили бўлиб, унинг раҳбари ёки ходимининг муҳр (штамп) билан тасдиқланган имзоси, қарздор — фуқарога эса, унинг шахсий имзоси ҳисобланади. Ушбу тартибга риоя қилинмаган тақдирда, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш Хўжалик процессуал кодексининг 107-моддаси биринчи қисми 4-бандига асосан рад этилади.

Хўжалик процессуал қонунчилигида назарда тутилган ушбу норманинг аҳамиятли жиҳати шундаки, қарздор унга суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаси топширилган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддатда хўжалик судига кредитор талабларига қарши эътирозларини тасдиқлов-

чи ҳужжатлар илова қилинган фикр-мулоҳазасини тақдим этиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун имкон яратилади.

Бу каби норманинг Фуқаролик процессуал кодексида ҳам белгила-нишини таклиф қилиш баробарида, ундирувчи талабларига қарши эътирозларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган фикр-мулоҳаза судга электрон шаклда тақдим этилишини белгилаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлаймиз.

Зеро, ушбу таклифларнинг жорий этилиши келгусида фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар со-ни камайишига, суд буйруғи чиқарилгунига қадар қарздор ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, суд буйруқларининг бекор қилиниши каби ҳолатларнинг олдини олади.

Хулоса қилиб айтганда, буйруқ тартибида иш юритишни тўлалигича ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали ҳал этиш имкониятининг яратилиши, шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада оширишга, шунингдек, судьялар иш ҳажмининг камайишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида туб демократик ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, демократик янгиланиш ва сиёсий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим натижаларга эришилди. Бу борада Президентимиз Ислоом Каримов таъкидлаб ўтганидек, биз, энг аввало, ҳуқуқий асосни тайёрладик, жамиятимизнинг асосий ақидалари, унинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган Конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тузилмасини ўзгартирдик. У ҳозир бозор мақсадларига жавоб беради.¹

Қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ
КОЛЛИЗИЯЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Маъруфжон ЭРГАШЕВ,
Олий суд катта консультанти

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб мамлакатимизда тубдан янги қонунчилик тизими шакллантирилиши баробарида, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти миллий ва хорижий мамлакатлар юридик тажрибаси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва меъёрларига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида олиб борилаёт-

ган ислоҳотлар ижтимоий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини муайян даражада ўзгаришига олиб келганлигини ҳам қайд этиш жоиз.

Айтиш керакки, ижтимоий воқеликнинг тез суратларда ўзгариб бориши ва бунинг оқибатида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши зарур бўлган янгидан-янги муносабатларнинг вужудга келиши ҳуқуқ ижодкорлиги субъектидан қонунчиликдаги зиддиятларнинг келиб чиқишини олдини олиш, ушбу жараён-

ни доимий равишда мониторинг қилиш ҳамда миллий қонунчилигимизни халқаро андоза ва нормалар билан уйғунлаштириш ҳамда ижтимоий ҳаёт билан қабул қилинаётган норматив — ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ва бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириб боришни талаб этади.

Зотан, демократик жамият шароитида ижтимоий ўз-ўзини тартибга солишнинг ривожланган механизмлари яратилганлиги ҳамда мукаммал ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг йўлга қўйилганлиги ижтимоий воқеликдаги зиддиятларни, шу жумладан, қонунчиликдаги зиддиятларни жиддий тус олмаслигини белгилаб беради. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби давлат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида ҳам юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни олдини олиш ва бартараф этишнинг замонавий механизмларини яратиш талаб этилмоқда. Ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган зиддиятларни алоҳида илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда концептуал аҳамиятга эга бўлган ғояларни илгари суриш бу борадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган вазифа-

ларни самарали ҳал этиш имконини беради.

Маълумки, қонун ижодкорлиги жараёнида зиддиятларнинг юзага келиши кўп жиҳатдан муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солиш зарурати сезилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилинмаганлиги, қонунчилик техникаси, тили ва мантиғи қоидаларига риоя этилмаганлиги билан боғлиқ бўлади. Бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишнинг бир қатор усул ва шакллари амалиётда қўлланилиб келинади. Яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тўхтатиш, ўзгартириш, бекор қилиш, суд томонидан кучини йўқотилиши ва уни ҳақиқий эмас, деб топиш каби аниқ воқеалар шулар жумласидандир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 16-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти "республика давлат бошқаруви органларининг ва ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини улар қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳолларда тўхтатади, бекор қилади" ҳамда мазкур модданинг 17-бандига биноан "Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли".²

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди "Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди".³

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коллизияларни бартараф этишнинг амалиётда шаклланган усул ва воситаларининг самарадорлигини инкор этмаган ҳолда фикримизча, уларни қисман ёки тўлалигича уйғунлаштириш орқали ҳам ҳуқуқ тизимидаги барқарорликка эришиш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уйғунлаштириш — коллизияларни олдини олишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Уйғунлаштиришнинг объекти сифатида алоҳида қонун ҳужжатлари ёки уларнинг айрим қисмлари, бир ёки бир нечта органларнинг бир-бирига зид ҳужжатлари йиғиндиси ёхуд ҳуқуқий институтлар ва ҳатто қонунчиликнинг айрим соҳалари, хусусан, жиноят ва жиноят процессуал

қонунчилиги ҳам қаралиши мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уйғунлаштириш орқали мазкур ҳуқуқ соҳаларида юзага келаётган коллизияларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишга эришишга, улардаги нормаларнинг яқдиллигини таъминлашга ҳамда уларни қўллаш амалиётида сансалорликка йўл қўймасликка эришилади.

Шу ўринда Жиноят кодексини ўрганиш орқали қуйидаги зиддиятли ҳолатни кўришимиз мумкин. Хусусан, кодекснинг 34-моддаси "Рецидив жиноят"ни белгилаб беради. Мазкур модданинг 1-қисми "б" бандига кўра, "илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади".⁴ Бироқ ушбу модданинг мазкур банди ўзбек ва рус тилидаги матнларини бири-бирига мувофиқлаштириш лозим бўлади. Чунки рус тилидаги матнда шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун "... ёки оғир

ва ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади" деб белгиланган.

Юқорида қайд этилганлардан кўришиб турибдики, мазкур нормаларни қўллаш амалиётида шахснинг ўта хавфли рецидивист деб топиш билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин.

Шу ўринда яна бир қонунчилик таҳлилига эътибор қаратсак, 1992 йил 9 декабрдаги "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонуннинг 23-моддаси 1-қисмида "Маъмурий назоратни белгилаш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ шикоят ва аризалар ички ишлар идораси бошлиғи, прокурор ёки юқори суд идораси раиси томонидан белгилаб қўйилган ваколлатлар доирасида кўриб чиқилади ва ҳал қилинади",⁵ дея қайд этилган. 2000 йил 14 декабрдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунда эса, "суд идораси раиси" лавозими назарда тутилмаган бўлиб,

мазкур қонунда "суд раиси" тушунчаси қўлланилган.⁶ Мазкур ҳолатда ибораларни қонунчилик техникаси талабларидан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштириш лозим бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, "... қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характериға, яъни муайян даражада тизимлашув мазмуниға эға эмас. Қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларға, такрорларға йўл қўйилганини, бошқа ҳужжатларға ҳавола қилиш ҳолатлари кўплигини қайд этиш лозим".⁷

Демак, қонунчилик ҳужжатларини уйғунлаштиришни таъминловчи шарт-шароитларни ўрганиш ва бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш қонунчиликда юзага келадиган зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 135 б.

² O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. - Т.: O'zbekiston, 2014. - В. 48.

³ O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. - Т.: O'zbekiston, 2014. - В. 62.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 33-модда.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 10-сон, 367-модда.

⁷ Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. - Т.: Ўзбекистон, 2010. - Б.14.

Маълумки, жиноий ва жазога сазовор қилмишларнинг аниқ рўйхатини белгилаш қонун ижодкорлигида ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Тажовуз объектига қараб ижтимоий хавфли қилмишларнинг тақсимланиши, жазо тизимининг изчиллиги, илмий асосланганлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусияти ва даражасига мувофиқлиги, шунингдек, ўзаро уйғунлиги нуқтаи назаридан уларнинг мувофиқлаштирилган тизимини яратиш янада муҳимроқдир.

Қонун ижодкорлигида одиллик принципини таъминлаш

Умид ХОЛИҚУЛОВ,

юридик фанлар номзоди, доцент

Айтиш керакки, жиноий қилмишларни криминализация ва декриминализация қилишда, умуман олганда, жиноят қонунчилигида одиллик принципига амал қилиш шарт ва зарур.¹

Ўз навбатида, қуйида одиллик принципига қонун ижодкорлиги жараёнида риоя этиш имкониятларини кўриб чиқамиз.

1. Қилмишларни криминализация ва декриминализация қилишда одиллик принципини амалга ошириш.

Жиноятлар тоифасига кирувчи ижтимоий хавфли қилмишларнинг зарур доирасини жиноят қонунида белгилаш (криминализация жараёни), шунингдек, ўзга чоралар ва воситалар билан курашиш мумкин бўлган қилмишларни Жиноят кодексидан ўз вақтида чиқариш (декриминализация жараёни) жиноят-ҳуқуқий маънода одилна амалга оширилиши лозим. Бу одиллик принципи Жиноят кодексининг 8-моддаси биринчи қисмида баён этилганидан кенгроқ миқёсда қўлланилишини англатади. Зеро, ҳуқуқий принциплар, шу жумладан, улар қонун йўли билан мустаҳкамланган ёки мустаҳкамланмаганидан қатъи назар, мавжуд бўлади ва амал қилади. Табиийки, одиллик принципи ҳам бундан мустасно эмас.

Шуни қайд этиш лозимки, қилмишни криминализация қилишда унинг ижтимоий хавфлилиги эътиборга олинади. Қилмиш камдан-кам ҳолда содир этилган тақдирда уни криминализация қилишга ҳожат йўқ. Қилмиш кенг тус олган

бўлса, уни криминаллаштириш наф бермаслиги мумкин.

Масалан, Жиноят кодексининг 114-моддасида сунъий равишда ҳомила тушириш (аборт)га ҳуқуқи бўлмаган шахснинг бундай ишни амалга ошириши учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ҳолбуки, бошқа ҳар қандай жарроҳлик операцияси натижасида ҳам — агар уни тегишли малакаси ва ҳуқуқи бўлмаган шахс амалга оширсин, фуқаронинг соғлиғига жиддий зиён етиши мумкин. Масалан, ҳаётда баъзан тегишли малака ва ҳуқуққа эга бўлмаган шифокорлар томонидан ўтказилган пластик операциялар натижасида фуқаролар соғлиғига зиён етказишдек салбий ҳолатлар учраб туради. Бундай вазиятда жавобгарлик амалда зиён етказилган тақдирдагина келиб чиқиши мумкин. Шу боис мазкур ижтимоий хавфли қилмишлар алоҳида нормага криминализация қилинса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қилмишларни криминализация ва декриминализация қилиш тўғрисида сўз юритганда бу масаланинг ахлоқ меъёрлари билан бевосита боғлиқ эканини эътиборга олиш лозим.

Жиноят ҳуқуқида одиллик принципига ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида ҳам киритилган. Бу қоида Жиноят кодексининг 8-моддаси иккинчи қисмида акс эттирилган. Унда "non bis in idem" (лотинча "айни бир иш учун икки марта эмас") деган қадимги ҳуқуқий принцип ўз ифодасини топган.

Айбдорга жазо тайинлашда унинг аҳ-

волини ёмонлаштирувчи айна бир ҳолатларни қайта ҳисобга олиш адолатсизлик ҳисобланишига ҳуқуқий адабиётларда эътибор қаратилган.²

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралда қабул қилинган "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги³ 1-сонли қарори 59-бандига мувофиқ, агар маҳкумининг аҳволи ёмонлашмаса ва ҳимояга бўлган ҳуқуқи бузилмаса, суд жиноий қилмишни жиноят қонунининг битта моддасидан енгилроқ жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи бир неча моддасига қайта квалификация қилишга ҳақли. Бунда жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазо жиноий қилмиш айбланувчи сифатида ишга жалб қилиш ҳақидаги қарорда ва айблов хулосасида квалификация қилинган Жиноят кодекси моддаси санкциясида назарда тутилган максимал жазодан оғирроқ бўлиши мумкин эмас.

2. Жиноий жавобгарлик ва жазога тортиш ҳамда улардан озод қилиш ҳолатларини аниқлашда одиллик принципини амалга ошириш ҳам Жиноят кодексида одиллик принципини рўёбга чиқариш шартларидан бири ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш муддатлари тамом бўлган жиноятларга нисбатан ҳам, тамом бўлмаган жиноятларга нисбатан тенг татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлаймиз. Масалан, жиноий жавобгарликка тортиш муддати одам ўлдиришга тайёргарлик кўрган шахсга нисбатан ҳам, тамом бўлган одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсга нисбатан ҳам (Жиноят кодексининг 97-моддаси) ўн беш йилдан сўнг ўтиб кетган деб ҳисобланади.

Шуни эътиборга олиб, жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилса, бизнингча, ўринли бўлар эди.

3. Одиллик принципига жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг санкцияларини белгилаш чоғида ҳам тўлиқ амал қилиниши лозим.

Жиноят учун жазоларнинг белгиланган турлари ҳам, уларнинг миқдорла-

ри (муддатлари) ҳам одилонга бўлиши лозим. Ўз-ўзидан равшанки, бу шартлар одиллик принципини тўла рўёбга чиқариш билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, "норманинг санкциясида кўрсатилган жазо тури ва миқдори тегишли турдаги жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига тўла мувофиқ бўлган тақдирдагина юридик шаклнинг ижтимоий мазмунга мувофиқлигини таъминлаш мумкин".⁴

Жиноят-ҳуқуқий нормаларда санкцияларни белгилаш жиноий жавобгарликни дифференциация қилиш билан бевосита боғлиқ.

Жиноий жавобгарликни дифференциация қилиш (лот. differentia — фарқ, тафовут) яъни жиноят қонунида жавобгарликни жиноят ва айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига қараб ўрнатиш⁵ Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларида санкцияларни белгилаш билан узвий боғлиқ.

Жиноий жавобгарликни дифференциация қилиш чоғида одиллик принципини амалга ошириш имкониятларини куйроқда санкцияларни белгилашнинг адолатлилигини ўрганиш доирасида кўриб чиқамиз.

Шуни қайд этиш лозимки, жиноятлар учун жазоларни қонун йўли билан белгилаш баъзан пеналлаштириш деб аталади. Аммо жиноят содир этишда айбдор шахсларга жазо тайинлаш, жазони ижро этиш ва жазодан озод қилиш шартларини белгилаш ҳам мутахассислар томонидан пеналлаштириш жараёнига киритилади.⁶

Депенализация қилиш пеналлаштиришнинг акси бўлиб, жиноий жавобгарлик даражасини пасайтирувчи хусусият касб этиши мумкин. У жазо миқдори (муддати)ни пасайтириш ёки жиноий деб эътироф этилган қилмиш учун муайян турдаги жазони бекор қилишдан иборат.

Ҳуқуқшунос олим Ю.Д. Блувштейн адолатли жазонинг у қаноатлантириши лозим бўлган уч шартдан иборат назарий моделини таклиф қилган: 1. Жазо содир этилган жиноятнинг оғирлик даражасига ва айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилиги ҳақидаги жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга молик бўлган, аввало қонунда жавобгарликни енгиллаш-

тирувчи (оғирлаштирувчи) ҳолатлар сифатида бевосита назарда тутилган маълумотларга мумкин қадар тўла мувофиқ бўлиши лозим (жавобгарликни индивидуаллаштириш талаби); 2. Оғирлик даражасига кўра, ҳар хил бўлган жиноятлар учун ва (ёки) айбдорлар шахсининг ижтимоий хавфлилик даражаси турлича бўлган ҳолда тайинладиган жазолар ҳар хил бўлиши лозим (жавобгарликни дифференциация қилиш талаби); 3. Оғирлик даражасига кўра, тенг бўлган жиноятлар учун ижтимоий хавфлилик даражаси тахминан тенг бўлган айбдорларга тайинладиган жазолар тенг бўлиши лозим (жавобгарликнинг тенглиги талаби).⁷

Адолатли жазо тайинлашга қўйиладиган бу асосий талаблар уни қонунда белгилашга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Таъбир жоиз бўлса, улар адолатли санкциянинг асосий мезонларига айланади.⁸

Шундай қилиб, биринчидан, Жиноят кодексининг нормаси санкциясида белгиланувчи жазо у қайси жиноят учун белгиланаётган бўлса, шу жиноятнинг оғирлик даражасига ва уни содир этишнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга молик бўлган ҳолатлари ва мазкур жиноят субъектининг белгиларига мумкин қадар тўла мувофиқ бўлиши лозим. Иккинчидан, Жиноят кодексининг нормалари санкцияларида оғирлик даражасига кўра тенг бўлган жиноятлар учун белгиланувчи жазолар бир-бирдан сезиларли даражада фарқ қилмаслиги керак. Учинчидан, оғирлик даражасига кўра турлича бўлган жиноятлар учун белгиланувчи жазолар бир хил бўлмаслиги лозим.

Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, одиллик принципи ҳозирги замон англо-саксон жиноят-ҳуқуқий назариясининг бош тамойили ҳисобланади.

Англия ва АҚШ қонунчилигида жазо

ва унинг мақсадлари тушунчаси мавжуд эмас, шу сабабли жиноят ҳуқуқида бу масалалар айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Аввал инглиз, кейинчалик эса, америкалик файласуфлар ва ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқот предмети ҳисобланган жазо тайинлашнинг асосий масалалари Эндрю фон Хирш томонидан яратилган жазо назариясида айниқса, одилна ва амалиётга мослаштирилган шакл-шамойил касб этди.⁹

Бу замонавий назарияда жиноят содир этган шахсга адолатли жазо тайинлашда жиноятнинг оғирлик даражаси билан жазонинг оғирлик даражаси ўртасида тўла мувофиқликни таъминлаш муҳим эканлиги, бу жиноят учун жазонинг фойдали мақсадларига эришишнинг зарурий шarti ҳисобланиши қайд этилади.

Бу назарияни қўллаб-қувватловчи инглиз ва америкалик олимлар фикрига кўра, қилмиш ва жазонинг мувофиқлиги жиноят ҳуқуқида жазо назариясининг бош принципи ҳисобланади. У жиноят ҳуқуқи классик йўналишининг асосий тамойилларидан бири бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Жиноят кодексига одиллик принципи шундай таърифланиши керакки, қонун чиқарувчи санкцияларни белгилашда унга сўзсиз риоя қилсин. Бунинг учун Жиноят кодексининг 8-моддаси биринчи қисмига ўзгартириш киритиш, уни "нисбатан" сўздан кейин "белгиланадиган" сўзи билан тўлдириш, умуман олганда, кўрсатилган нормани қуйидаги таҳрирда баён этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

"Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан белгиланадиган ва қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилна бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак".

¹ Кладков А.В. Реализация принципа справедливости в уголовном праве. - М., 2003. - 117 с.

² Масалан, қаранг: Горелик А. Реализация принципа справедливости в правилах назначения наказания // Уголовное право. - М., 2001. - №1. - 3 с.

³ Олий суд Пленуми қарорлари тўплами. 2-жилд. 1991-2006. - Тошкент: Адолат, 2006. - Б. 241-242.

⁴ Мальцев В.В. Принципы уголовного права и их реализация в правоприменительной деятельности. - СПб., 2004. - 262 с.

⁵ Основания уголовно-правового запрета (криминализация и декриминализация). - М., 1982. - 17 с.

⁶ Основания уголовно-правового запрета (криминализация и декриминализация). - М., 1982. - 17 с.

⁷ Блувштейн Ю.Д. Уголовное право и социальная справедливость. - Минск, 1987. - 50 с.

⁸ Бунин О.Ю. Реализация принципа справедливости при установлении санкций уголовно-правовых норм. Дисс...канд.юрид.-наук. - М., 2006. - 28 с.

⁹ Fundamentals of Sentencing Theory. Essays in Honour of Andrew von Hirsch. Edited by Andrew Ashworth, Martin Wasik. Clarendon Press, Oxford. 1998. - 181 p.

Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, улар ўз иқтидорларини тўлиқ рўёбга чиқариши учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилган.

Шароф МУМИНОВ,

Олий суд ҳузуридаги

Тадқиқот маркази бўлим бошлиғи

Воҳид ШАРИПОВ,

Тадқиқот маркази бош консультанти

Айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани амалда кутилган самараларни бермоқда.

Хусусан, амалдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишидан биридир.

Шунингдек, ушбу қонунда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш асосий йўналишлар сифатида белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни оилаларга жойлаштириш ва турмушини йўлга қўйишда фарзандликка олиш институти муҳим

аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларнинг суд томонидан кўрилиши ва ҳал этилиши, бу жараёнда суд назоратининг таъминланиши ижтимоий ҳимояга муҳтож, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Аниқроқ айтганда, 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ фарзандликка олиш бўйича ишларни кўриб чиқиш ваколатини судларга бериш тартиби жорий этилди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда бундай тартибни жорий этилиши дунё тажрибасига тўлиқ мос келади. Чунки АҚШ, Германия, Буюк Британия каби ривожланган давлат-

ларда ҳамда МДҲга аъзо мамлакатларнинг аксариятида фарзандликка олиш фақат суд орқали амалга оширилади ва бу борадаги муносабатлар суд қарори асосида тартибга солинади.

Шу билан бирга, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш тартиблари турли давлатларда турличадир. Чунончи, Россия қонунчилигида фарзандликка олувчилар воёга етган, меҳнатга лаёқатли фуқаро бўлиши талаб этилса, Буюк Британияда бундай ота-она фарзандликка олинувчидан камида 21 ёш катта бўлиши, Хитойда эса, фарзандсиз, соғлом ва 30 ёшдан ошган бўлиши талаб этилади. Германияда фарзандликка олинувчи бола бўлғуси ота-онаси қарамоғида бир йил давомида синов тариқасида яшаб кўради.

Миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларда алоҳида тартибда кўриладиган ишлар тоифасига киритил-

ган. Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларда ҳуқуқ тўғрисидаги низо бўлмайди, ариза-чи судга фақат ўз муддаосини билдиради. Болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар ҳам ҳуқуқ тўғрисидаги низо-ни ҳал этиш билан боғлиқ бўлмайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг "Фарзандликка олиш" деб номланган 31¹-бобида фарзандликка олиш тўғрисидаги аризининг судловга тегишлилиги масалалари назарда тутилган бўлиб, унга кўра, агар фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза билан болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мурожаат қилгудек бўлса, ушбу тоифадаги ишлар ҳудудий судловлилик қоидаларига мувофиқ, фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида кўрилади (285¹-моддаси). Бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилгудек бўлса, ушбу аризалар фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги

тегишинча, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига берилади ва бу тоифадаги ишлар ушбу судларнинг судловига тааллуқлидир.

Болани фарзандликка олишга масъулият билан ёндошиш ҳамда ушбу жараёнда қонунийликни таъминлаш мақсадида фуқаролик процессуал қонунчиликда болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг бу ҳақдаги аризалари мазмунига бир қатор талаблар белгиланган.

Судда ушбу тоифадаги ишларнинг тўғри ва ўз вақтида кўрилиши ҳамда ҳал этилишини таъминлаш ҳамда бу ҳақдаги аризалар билан мурожаат қилувчи шахсларга қулайлик яратиш мақсадида процессуал қонунда фарзандликка олиш тўғрисидаги аризаларга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини белгиланганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бошқа давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига қўшимча равишда бола қонуний вакилининг розилиги ва бола қайси давлат фуқароси бўлса, уша давлат ваколатли органининг розилиги илова қилинади.

Чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги

бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда "Апостиль" қўйилган бўлиши керак. Бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши талаб этилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш ўзига хос процессуал хусусиятларга эга. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 285⁴-моддасига кўра, судья ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбуриятини юқловчи ажрим чиқаради.

Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари сифатида ишда иштирок этув-

чи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек, фарзандликка олиш сири сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослантирилган ажримига биноан ёпиқ мажлисида кўрилишини айтиш жоиз.

Шунингдек, суд ушбу тоифадаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, прокурорни албатта, жалб этган ҳолда кўриб чиқиш ҳам шулар жумласидандир. Суд зарур ҳолларда, фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отасини ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек, ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишда қатнашишга жалб қилиши мумкин.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинган боланинг туғилганлик ҳолати қайд этилган дафтарга ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчилар (олувчи) тўғрисидаги барча маълумотлар кўрсатилиши зарур.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, фарзандликка олувчилар (олувчи) ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка

олинган боланинг туғилишини ёзиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан белгиланади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал ва Оила кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ва судлар томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўришда келиб чиқаётган саволларга тушунтириш бериш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан 2013 йил 11 декабрда "Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Мазкур Пленум қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори фарзандликка олиш ҳақидаги аризаларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш бола манфаатлари ҳимоясининг муҳим кафолатларидан бири эканлигига қаратилган.

Статистик маълумотларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2014 йил давомида 3 766 та фарзандликка олиш ҳақидаги ари-

за кўрилиб, 3 251 та ҳал қилув қарори чиқарилган. Шундан 3 196 та ариза қаноатлантирилган бўлса, 55 та ариза қаноатлантиришдан рад этилган.

2015 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича судларга 4 166 та ариза келиб тушган бўлиб, 3 663 та ҳал қилув қарори чиқарилган. Шундан 3 589 та ариза қаноатлантирилган бўлса, 74 та ариза қаноатлантиришдан рад этилган.

Ушбу рақамлар шуни кўрсатадики, бир йил давомида фарзандликка олиш ҳақидаги аризалар сони 400 тага ошган, шунингдек, 2015 йил давомида фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар сони 2014 йилга қараганда 412 тага (12.7% га) кўпайган. Суднинг қаноатлантирилган ҳал қилув қарорлари сонидан келиб чиқиб, бир йил давомида фарзандликка олинганлар сони 393 тага ошганлигини қайд этиш жоиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, суд органлари вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фарзандликка олиш жараёнларида қонунийликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Судлар томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларнинг қонуний, асосли ва адолатли ҳал этилиши боланинг кейинги тақдирини, том маънода жамиятнинг келажагини белгилаб беради, десак, муболаға бўлмайди.

Биринчи инстанция судида ҳукм чиқаришни интенсивлаштириш масалалари

Нодиржон ХАЙРИЕВ,

*Тошкент давлат юридик университети
катта илмий-ҳодим изланувчиси,
юридик фанлар номзоди*

Маълумки, ҳукм одил судловнинг энг муҳим ҳужжати ҳисобланади. Чунки айнан суд ҳукмида "суд томонидан жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган шахсга адолатли жазо тайинланиши, маҳкумнинг қонунга бўйсунуши ва қилмишига яраша жазони олиши ўз ифодасини топади"¹.

Ҳукм, шунингдек, муҳим ижтимоий-ҳуқуқий мақомга эга. Биринчидан, ҳукм дастлабки тергов ҳамда биринчи ёки апелляция инстанциялари фаолиятига яқун ясайди ҳамда фақат ушбу процессуал-ҳуқуқий акт асосида судланувчи жиноят содир этганликда айбдор деб топилди, шундан келиб чиқувчи ижтимоий-ҳуқуқий оқибатларга (ҳуқуқий чекловларга) мубтало бўлади; иккинчидан, суднинг ҳукми нафақат судланувчининг, балки жиноят-судлов юритувидаги барча иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади; учинчидан, оқлов ҳукми ноқонуний тарзда жиноят ишига жалб этилган шахсни реабилитация қилишнинг жиноят-процессуал воситаси ҳисобланади; тўртинчидан, ҳукмда жиноят содир этган шахсга ҳамда у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига ижтимоий-ҳуқуқий баҳо берилади; бешинчидан, одил (яъни қонуний, асосли ва адолатли) суд ҳукмлари жамият аъзоларининг ҳуқуқий онгини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга².

Ҳукм ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, одил судловни амалга ошириш акти ҳисобланиб, унинг асосида жиноят процессининг асосий мақсади — судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги

қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади. Айнан ҳукм тимсолида одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши ғоясини ўрнатувчи принцип рўёбга чиқади.

Жиноят процессуал кодексининг 454-моддасига мувофиқ, суд ҳукми Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади.

Ҳукм чиқариш босқичи тизимида кирувчи — "судланувчини қамоқдан озод этиш" тартибига келсак, у қабул қилинган суд ҳукмларида мунтазамлик касб этмай, фақат суд томонидан шундай мазмунда қарор қабул қилинган жиноят ишларида мавжуд бўлиши мумкин. "Тарафлар музокараси якунидан сўнг суднинг ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага кириш" тартиби эса, жиноят-процессуал қонунчилиқда ҳукм чиқариш босқичининг тизимида киритилган эмас.

Шундай қилиб, ҳукм чиқариш муносабатларини интенсивлаштиришга мойил бўлган тартиблар рўйхатини:

а) тарафлар музокараси якунидан сўнг суднинг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириши;

б) ҳукмни эълон қилиш;

в) ҳукмнинг нусхасини бериш тартибидан назарда тутилган процессуал қоидалар асосида шакллантириш мумкин.

Интенсивлаштиришга мойил бўлган ҳукм чиқариш босқичларини улар бажарадиган вазифаларига мувофиқ икки қисмга ажратиш мумкин.

Биринчи қисми суд томонидан ҳукм чиқаришга қадар бўлган ҳаракатларни амалга ошириш муносабатлари ташкил қилади. Бунга "тарафлар музокараси якунидан сўнг суднинг ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага кириши" тартиби тааллуқлидир.

Иккинчи қисмга суд томонидан ҳукм чиқариш ваколатини амалга оширишдан кейинги процессуал ҳаракатлар тартиби-

ни киритиш мумкин.

Тарафлар музокараси якунидан сўнг суднинг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириши умумий тарзда ҳукм чиқариш босқичини тартибга солувчи муносабат таркибига тегишли бўлмаса-да, барибир, мазкур муносабатлар интенсивлаштиришга таъсир кўрса-тади. Айрим мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида тарафлар музокараси якунидан сўнг суднинг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириши билан боғлиқ муносабатни тартибга солишда суд томонидан қабул қилинган қарорни эълон қилиш вақти ҳақида иштирокчиларни хабардор қилиш тўғрисидаги қоида белгилаб қўйилган. Масалан, бундай қоида Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексининг 295-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган.

Германия Федератив Республикаси эса, ўз миллий қонунчилигида ушбу муносабатларни ифода этиш борасида бундан ҳам илгарилаб кетган. Аниқроқ айтганда, мазкур мамлакат Жиноят процессуал кодексининг 268-моддасига мувофиқ, иш бўйича қабул қилинадиган ҳукм суд муҳокамаси якунлангандан кейин ўн бир кун ичида, агар янги очилган ҳолатлар бўйича суд муҳокамаси давом эттирилган бўлса, ҳукм ўша суд муҳокамаси якунида эълон қилиниши шарт³.

Таъкидланаётган қоиданинг жиноят-процессуал муносабатларни жадаллаштиришдаги аҳамияти шундаки, биринчидан, у иштирокчиларга жиноят иши бўйича қабул қилинадиган якуний қарорнинг эълон қилинадиган вақти тўғрисида аниқ маълумот беради; иккинчидан, ҳукм чиқариш босқичи муносабатларининг давомийлигига доир аниқ чегарани белгилаб беради.

Масалага бундай ёндашув судни ўзи эълон қилган вақт ичида суд муҳокамасининг асосий мақсади — судланувчининг айбдорлигини аниқловчи якуний қарорни қабул қилиш ва уни эълон қилиш ташунчалари билан боғлиқ.

Шундай экан, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётларининг ўзи, фикримизча, бугунги кунда мамлакатимиз қонунчилигида тарафлар музокараси якунидан

сўнг суднинг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириб кетиш арафасида қарорни эълон қилиш вақтини белгилаш қоидаларини тартибга солиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ушбу қоидани мамлакатимиз жиноят процессига киритиш ундаги ҳуқуқий муносабатларни интенсивлаштириш тизимини тўлароқ шакллантиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун Жиноят процессуал кодексининг 453-моддасида таъкидланган мазмундаги тартибни назарда тутувчи иккинчи ва учинчи бандларни қўшимча равишда киритиш мақсадга мувофиқ. Бу қўшимчаларнинг қуйидаги матнларини тавсия этиш мумкин:

"Суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириб кетишдан олдин суд муҳокамасининг иштирокчиларини қабул қилинадиган қарорни эълон қилиш вақти тўғрисида хабардор қилади.

Жиноят кодексининг 15-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишларни, шунингдек, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган судья ёки ярашув тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган суд иш бўйича ҳукми ёки бошқа қарорни алоҳида хонага кирмай туриб қабул қилиш имкони таъмин этилган деб ҳисобласа, башарти бу маслаҳатхона сирининг бузилишига олиб келмаса, иш бўйича якуний қарор алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кирмай туриб, суд мажлиси ўтаётган жойнинг ўзида қабул қилиниши мумкин".

Назаримизда, таклиф этилаётган процессуал қоида жиноят процессининг ҳукм чиқариш босқичи интенсивлигини таъминлашга тааллуқли қуйидаги иккита ўта зарур масалани ҳал қилади.

Биринчидан, иш бўйича якуний қарор қабул қилиш ва эълон қилиш вақтини белгилайди.

Иккинчидан, муайян шартлар асосида суднинг иш якуни бўйича қарорни дарҳол қабул қилиш ва уни эълон қилиш тартибини шакллантиради.

Зеро, ҳаракатни амалга ошириш вақтининг белгиланганлиги ҳамда ҳаракатни жойида дарҳол амалга оширилиши — ҳаракат интенсивлигининг методологик

асослари ҳисобланади.

Ҳукми эълон қилиш — ҳукм чиқариш босқичининг интенсивлигини таъмин этиши мумкин бўлган яна бир процессуал тартибдир. Негаки, ушбу процессуал ҳаракат ҳукм чиқариш босқичига тааллуқли бўлган бошқа ҳаракатлар, жумладан: а) суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириб кетиши; б) маслаҳатхонада ҳал қилинадиган масалаларнинг суд томонидан муҳокама қилиниши; в) ҳукми тузиш ва имзолаш; г) судланувчини қамоқдан озод этиш; д) ҳукмнинг нусхасини бериш ҳаракатлари билан ўзаро алоқадор, қолаверса, умумий мақсадга эгадир. Шу сабабли ушбу ҳаракатлар ўзаро уйғун ҳолда, ҳукм чиқариш босқичини тизим сифатида шакллантиради.

Ҳукми ёки иш бўйича бошқа қарорни эълон қилиш тартибини белгиловчи нормани шартли равишда уч қисмга ажратиш мумкин.

Биринчи қисм — консерватив-анъанавий шартлар бўлиб, одил судловнинг тарихан шакилланган анъаналарига мос бўлган процессуал тартибларни назарда тутди. Масалан, Жиноят процессуал кодексининг 473-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларидаги қоидаларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Иккинчи қисм — иштирокчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш шартлари. Яъни бу шартлар ҳукми чиқариш оқибатида вужудга келадиган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш тартибини назарда тутди. Бу шартлар, жумладан, суд муҳокамасида юритилган тилни билмайдиган судланувчининг ҳуқуқларини, шунингдек, ҳукм устидан тарафларнинг шикоят қилиш ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини ўз ичига олади.

Ниҳоят, учинчи қисм — суд томонидан тузилган ва эълон қилинган ҳукмнинг мазмунини тарафларга тушунтириб бериш билан боғлиқ тартибни назарда тутди. Ушбу муносабат суд ва муҳокама иштирокчилари ўртасида кечиши ҳамда у ҳукмнинг мазмунини тушуниш зарурияти мавжуд бўлганда вужудга келиши мумкин.

Айтиш жоизки, юқоридаги шартлар мамлакатимиз қонунчилигидаги ҳукми эълон қилиш билан боғлиқ процессуал-ҳуқуқий муносабатларни интенсивлашти-

ришга бевосита таъсир кўрсатмайди. Улар ушбу процессуал ҳаракатни амалга оширишнинг умумий тартибини белгилайди, холос.

Бугунги кунда, фикримизча, суд муҳокамаси якунида ҳукмнинг фақат қарор қисмини эълон қилиш тартибини қонунчиликка жорий этиш эҳтиёжи мавжуд. Негаки, англо-саксон ҳуқуқий анъаналарига асосланган судлов юритуви муносабатларида, хусусан, АҚШ ва Буюк Британияда жиноят ишларини юритишда, шунингдек, Германиядаги жиноят процессида суд ҳукмининг фақат қарор қисми эълон қилинади, унинг асослари тарафларга оғзаки равишда тушунтирилади⁴.

Бундан ташқари Германия Жиноят процессуал кодексига кўра, агар ҳукмнинг асословчи қисми суд мажлисининг баённомасида акс эттирилган бўлмаса, ҳукм ва асослар кечиктирмай жиноят иши материалларига қўшиб қўйилади. Бундай ҳаракатнинг муддати беш суткадан кечиктирилмаслиги, агар жиноят ишининг муҳокамаси уч суткада давом этган бўлса, бу муддат ўн кундан кечиктирилмай амалга оширилиши лозим. Ушбу муддат ўтгандан кейин ҳукмнинг асосларини ўзгартириш ман этилади⁵.

Шу билан бирга, суд муҳокамаси якунида қабул қилинадиган ҳукмнинг фақат қарор қисми эълон қилиниши мақсадга мувофиқ эканини асослайдиган яна бир жиҳат мавжуд. Бу мамлакатимиз Жиноят процессуал кодексининг 475-моддасидаги, ҳукм эълон қилинганидан кейин уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирилмай, унинг нусхаси маҳкумга ёки оқланган шахсга тақдим этилиши лозимлигини белгиловчи тартиб билан боғлиқ.

Бу масала апелляция ёки кассация тартибида тарафлар билдирадиган протест ёки шикоятнинг предметида оид бўлиб, Жиноят процессуал кодексининг 55-бобида, хусусан, 478, 482, 484-489-моддаларида белгиланган қоидалар айнан фақат ҳукмнинг (ажримнинг, қарорнинг) қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юқори суд томонидан текширилиши тартибини ўрнатади.

Жиноят процессуал кодексининг 465-моддаси мазмунидан маълумки, ҳукм

ёзма равишда тузилади ҳамда судья ёки суд таркибига кирувчи судьяларнинг барчаси томонидан имзоланади. Шундай экан, вақт нуқтаи назаридан, яъни ишни муҳокама қилиш натижасида судда шаклланган ички ишончнинг имкон қадар тезликда тарафларга маълум қилиниши ҳамда амалий эҳтиёждан келиб чиқиб, яъни суд жиноят ишининг муҳокамаси натижасида ўзида шаклланган ички ишонч тезликда ва тўлиқ равишда ёзма баён қилиб бериш имкони чекланган ва бу, шубҳасиз, вақт талаб қилувчи ҳолат экани инobatга олинса ўта асосли процессуал ечимдир.

Мазкур масалага тааллуқли бўлган муаммонинг яна бир жиҳатига ечим топиш муҳим, деб ўйлаймиз. Бу масала "Ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилиш тарафларнинг ёхуд суднинг ихтиёри билан амалга оширилиши зарурми?" деган саволга жавоб топиш билан боғлиқ.

Мазкур масала юзасидан турли мамлакатларда ишлаб чиқилган хилма-хил норматив ёндашувларни кўриш мумкин. Мисол учун Қозоғистон Республикаси, Украина ва Грузия қонунларида ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилиш фақат суднинг ихтиёридаги масала ҳисобланади.

Беларусь Республикаси ва Туркменистон қонунларига мувофиқ эса, бундай ҳаракатни амалга ошириш учун фақат тарафлар розилик билдиришлари лозим.

Дарҳақиқат, суднинг ихтиёри билан ҳукмнинг қарор қисми эълон қилиниши тарафларга ҳукм эълон қилинган вақт ичида суд асослаган ҳолатларни аниқ тасаввур этиш имкониятларини чеклайди. Аксинча, тарафларнинг ихтиёри билан ҳукмнинг қарор қисми эълон қилиниши, амалда ҳукмнинг нусхасини тарафларга тақдим этилиши шартлиги қоидаси муносабати билан ортиқча шаклий-процессуал аънанани намoён қилади.

Шу тариқа ҳукми фақат қарор қисмини эълон қилиш масаласи суд (судья)-

нинг ихтиёрига берилиши ўзининг илмий ва амалий асосига эга, деган хулосага келиш мумкин, назаримизда.

Ўз навбатида, юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, Жиноят процессуал кодексининг 473-моддасига тегишли қўшимчалар киритиш эҳтиёжи мавжуд. Хусусан, ушбу модданинг янги учинчи ва тўртинчи қисмларини қўйидагича баён қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди:

"Ҳукм суд мажлиси залида ёки алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади. Шундан сўнг раислик қилувчи суд мажлиси залида ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилади. Тарафларнинг илтимосларига кўра, раислик қилувчи ҳукмнинг асосий мазмунини тушунтириб бериши мумкин.

Ҳукм эълон қилингандан кейин унинг тўлиқ ёзма матни уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирилмай тайёрланиши лозим. Ҳукмнинг тўлиқ ёзма матни нусхаси Жиноят процессуал кодексининг 475-моддасида кўрсатилган талаблар асосида тақдим этилади".

Шу муносабат билан мазкур модданинг амалдаги учинчи ва тўртинчи қисмларини рақам тартибига биноан бешинчи ва олтинчи қисмлар деб ҳисоблаб, бешинчи қисмнинг матнидаги "ҳукм" сўзини "ҳукмнинг қарор қисми ҳамда ҳукмнинг асосий мазмуни" жумласи билан алмаштириш, мазкур модданинг олтинчи (амалдаги тўртинчи) қисми хатбошидаги "Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини" жумласини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Мухтасар айтганда, ҳукми эълон қилиш билан боғлиқ муносабатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида билдирилган таклиф ва тавсиялар жиноят процессининг ҳукм чиқариш босқичида кечадиган муносабатлар интенсивлигини таъминлашга хизмат қилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси /Масъул муҳаррир: проф. Ф. А. Абдумажидов. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. -Б. 695.

² Қаранг: Лазарева В. А. Судебная власть и ее реализация в уголовном процессе. Самара, 1999. - С. 29-30.

³ Қаралсин: Федеративная Республика Германия. Уголовно-процессуальный кодекс. -С. 125. Ушбу қоида билан келишни мураккаблаштирувчи жиддий омил мавжуд бўлиб, у ГФР ЖПК нормаларида ҳукмнинг фақат қарор қисми эълон қилинади. Ҳукмнинг қарор қисмига асос бўлган ҳолатлар эса суд томонидан тарафларга оғзаки равишда тушунтирилади.

⁴ Қаралсин: Федеративная Республика Германия. Уголовно-процессуальный кодекс. -С. 125.

⁵ Федеративная Республика Германия. Уголовно-процессуальный кодекс. -С. 128.

Маълумки, шартли ҳукм қилишда синов муддати муҳим аҳамият касб этади. Яъни синов муддатидан муваффақиятли ўтган шахс жазодан шартсиз озод қилинади ва судланмаган ҳисобланади.

Синов муддати — шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд томонидан тайинланган шартли ҳукм қилинганлик тўғрисидаги қарорнинг тўғрилигини синаш ҳамда маҳкум жазони реал ўтамасдан туриб ҳам ахлоқан тузалиш йўлига ўтиши ва тузалганлигини исботлаш, жазони реал ўтамасдан туриб, унга жазодан озод бўлиш имконини бериш муддатидир.¹

Шартли ҳукм қилиш

унда синов муддатини ҳисобга олишнинг аҳамияти

Шухрат УМИДУЛЛАЕВ,
юримдик фанлар номзоди

Айтиш керакки, шартли ҳукм қилишнинг ҳуқуқий табиати тўғрисида сўз юритганда, ҳуқуқшунос олим А.Н. Ружниковнинг шартли ҳукм қилишда ўзгача ҳуқуқий табиатга эга бўлган чора — айбдорнинг хулқ-атвори устидан назоратни ажратиш мумкин, деган фикрига алоҳида тўхталиб ўтиш, бизнингча, ўринли бўлади. Муаллиф фикрига кўра, ушбу назорат жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг мустақил чораси ёки маҳкумни синашдан иборат бўлган алоҳида жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади, шартли ҳукм қилишнинг ўзи эса, жазони ўташдан озод қилишнинг турларидан биридир.² Шартли ҳукм қилишни қисмларга ажратишнинг баҳслилигига аввало юқорида номи қайд этилган муаллифнинг ўзи эътиборни қаратади. Бундай ажратиш муайян шартли ҳукм қилиш ва шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан назорат алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши мумкин, деб тахмин қилиш имконини бе-

ради. Бироқ назорат маҳкум ўтиши лозим бўлган синовнинг ажралмас қисми. Ўз навбатида, синов шахснинг хулқ-атворида қўйилдиган муайян талабларни ўз ичига олади ва шартли ҳукм қилишни қўлланиш шарти сифатида амал қилади.

Шундай қилиб, шартли ҳукм қилишнинг ҳуқуқий табиатини аниқлашнинг таклиф қилинган усуллари таҳлили шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилишнинг турларидан биридир, деган хулосага келиш имконини беради. Шу туфайли ҳам шартли ҳукм қилишни қўлланиш ва бе-кор қилиш асосларини тартибга солувчи моддалар Жиноят кодексининг "Жазодан озод қилишнинг турлари" деб номланган XIII бобида жамланса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сўнгги йилларда шартли ҳукм қилинаётган шахслар сони ортиб бораётганлиги жиноят қонунчилигидан инсонпарварлик тамойиллари тобора чуқур ўрин эгаллаётгани далолат беради. Зо-

тан, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ишлар бўйича одамларни қамаш "давлатга жуда қимматга тушади, қолаверса, бундай жазо тури маҳкумларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш вазифасини ҳал қилмайди".³

Айтиш керакки, шартли ҳукм қўлланилганда, бир йилдан уч йилгача бўлган синов муддати белгиланади ва бу муддат ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қонун синов муддати давомийлигини тайинланган жазо миқдори билан боғламайди. Бу масала суд томонидан ҳар сафар содир этилган жиноятнинг хусусияти ва судланувчининг шахсидан келиб чиқиб ҳал этилади.⁴

Шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан назорат ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчиларга нисбатан эса, улар хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмлар (муассасалар) қўмондонлиги томонидан амалга оширилади (Жиноят ижроия кодексини 15-моддаси биринчи қисми). Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳисобини ва уларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб бориш ички ишлар идора-

лари томонидан амалга оширилади. Бундай назорат шартли ҳукм қилинганларнинг хулқ-атвори-ни кузатиш, уларга ишга жойлашиш ва турар жой билан таъминлашда ёрдам кўрсатиш, улар қонун талабларига риоя қилиши ва суд уларга юклаган вазифаларни бажаришларини текширишдан иборат.

Шартли ҳукм қилинганлар устидан назоратни амалга ошириш тартиби Жиноят-ижроия кодексининг 32-бобида белгиланган. Бундан ташқари шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 298-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарихидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид йўриқнома" да атрофлича тартибга солинган. Хусусан, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги суд ҳукмларини ижрога қабул қилишни расмийлаштириш, маҳкумлар ахлоқи устидан назорат қилиш, шартли ҳукмни бекор қилиш ҳамда ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга тақдимнома киритиш, шартли ҳукм қилинганларнинг қидируви, шартли ҳукм қилинганларни ҳисобдан чиқариш тартиби белгиланган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, синов муддати мобайнида шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат ички ишлар идоралари ҲООБ жазони ижро этиш инспекциялари томонидан амалга

оширилади. Бунда жазони ижро этиш инспекцияси томонидан:

- маҳкумлар билан суҳбат ўтказилиб, жазо ўташ шарт-шароитлари тушунтирилади;

- ишлаш ва ўқиш жойлари маъмуриятларидан маҳкумларга нисбатан тавсияномалар сўралади, зарурат туғилганда маъмурият аъзолари билан учрашув ўтказилади;

- маҳкумлар томонидан жамоат тартибини бузиш ҳоллари содир этилганлигини аниқлаш мақсадида ҳар ойда ички ишлар бўлимининг маълумот картотекаси билан танишилади;

- суд томонидан белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши (ҳар чоракда камида бир маротаба) текширилади, уларни бажармай юрган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади. Натижаси ҳақида маълумотнома тузилиб, назорат йиғма жилдига кўшиб борилади;

- суд томонидан рўйхатдан ўтиб туриш мажбурияти юклатилган маҳкумларни рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади.

Жазони ижро этиш инспекцияси маҳкум томонидан қуйидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, судга тақдимнома киритади:

а) синов муддати давомида жамоат тартибини ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун маъмурий ёки интизомий жазо қўлланган бўлса;

б) шартли ҳукм қилинган шахс муайян муддат мобайнида ишга ёки ўқишга кирмаган, етказилган зарарни бартараф этмаган, ички ишлар органининг рухсатсиз турар жойини

ўзгартирган, рўйхатдан ўтиш учун келмаётган ҳамда ҳукмда кўрсатилган бошқа мажбуриятларни бажармаётган бўлса;

в) шартли ҳукм қилинган шахснинг назоратдан бўйин товлаш мақсадида яширинганига етарли асос бўлса.

Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 72-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд бундай шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда белгиланган жазони ижро этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Шу билан бирга, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва муайян ҳолатларини, маҳкумнинг шахси ва синов муддати давомидаги хулқ-атворида доир маълумотларни ҳисобга олиб, суд шартли ҳукмни аслича қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.⁵

Шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисидаги тақдимнома етказилган зарарни бартараф қилиш учун суд томонидан белгиланган муддат тамом бўлиши билан ўн кун ичида юборилади.

Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан юклатилган мажбуриятларнинг аҳамияти шундаки, синов муддати туганидан кейин шахсга нисбатан тайинланган жазони ижро этиш

ёки шахсни жазодан озод қилиш масаласини ҳал қилишда айнан унга юклатилган мажбуриятларни қай даражада бажарган ёки бажармаганлиги асос бўлади. Демак, шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жазоларни тайинлаб, сўнг шартли ҳукм қилишнинг ўзи ҳали шахсни жазодан озод қилиш дегани эмас. Суд шахсни шартли ҳукм қилиб, синов муддатини белгилайди ва муайян шартларни шахс зиммасига юклайди.⁶

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг устидан назорат қонуний кучга кирган суд ҳукмига мувофиқ амалга оширилади. Шартли ҳукм қилинганлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва суд ҳукмида кўзда тутилган чеклаш ва мажбуриятлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қонунларда белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Жамоат тартибини бузиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар орасида энг оғири ҳисобланади. Шу туфайли ҳам бу шартли ҳукм бекор қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар сифатида эътироф этилади. Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг XV бобида жамланган. Бун-

дай ҳуқуқбузарликлар сира-сида майда безорилик, жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш, ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш, хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаш ёки сотиш, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, порнографик мазмундаги материалларни тарқатиш, фоҳишалик билан шуғулланиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш кабилар киради.

Суднинг шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарори ўз кучида қолиши учун маҳкум белгиланган синов муддати мобайнида меҳнат интизомига ҳам риоя қилиши шарт.

Жиноят кодексининг 72-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, ҳукм қилинган шахснинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахс яшаш жойини ташлаб кетган бўлса, жазони ижро

этиш инспекцияси ходимлари томонидан унинг қаердалигини аниқлаш чоралари кўрилади.

Шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек, олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно (Жиноят кодексининг 72-моддаси еттинчи қисми).

Айни пайтда, шуни назарда тутиш керакки, Жиноят кодексининг 72-моддасида шартли ҳукмни бекор қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар доираси қатъий белгиланган. Шу сабабли агар шартли ҳукм қилинган шахснинг ўша иш бўйича ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган бошқа жиноятда ҳам айбдорлиги аниқланса, ушбу ҳолат жазонинг шартлилигини бекор қилиш учун асос бўла олмайди. Бундай ҳолда Жиноят кодексининг 59-моддаси ("Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш") қоидалари қўлланилмайди (чунки шартли ҳукм юридик табиатига кўра, жиноий жазодан озод қилишнинг бир тури ҳисобланади) ва биринчи ҳамда иккинчи иш бўйича чиқарилган ҳар қайси ҳукм алоҳида ижро қилинади.⁷

¹ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: "Янги аср авлоди", 2005. - 592-б.

² Ружников А.Н. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. - М., 1994. - 32-б.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи. - Тошкент, 2010. 13 ноябрь.

⁴ Ўша ерда. - 34-банд.

⁵ Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида" 2006 йил 3 февралдаги 1-сон Қарори. 35-банд // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси 2006 й., 1-сон.

⁶ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: "Янги аср авлоди", 2005. - 600-б.

⁷ Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида" 2006 йил 3 февралдаги 1-сон Қарори. 36-банд // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси 2006 й., 1-сон.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми ва уни янада такомиллаштириш юзасидан айрим фикр-мулоҳазалар

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритиши учун яратилган демократик ҳуқуқий асослар амалда қўрилган самараларни бермоқда. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 58-моддасида белгилаб қўйилганидек, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Анвар АХРОРҚУЛОВ,

Фарғона Давлат университети ўқитувчиси

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 40-моддасида юридик шахсларнинг икки тури, яъни фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) назарда тутилган. Фуқаролик ҳуқуқида юридик шахсларнинг бундай бўлиниши уларнинг фаолият мақсадига кўра, турларга бўлиш сифатида эътироф этилади.¹ Бундан ташқари фуқаролик ҳуқуқи назариясида юридик шахслар бошқа асосларга кўра ҳам турларга ажратилади.²

Амалдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонуннинг³ 2-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотларга қуйидагича таъриф берилган: нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нотижорат ташкилотлар фақат нодавлат кўринишида бўлмай, балки давлат томонидан ҳам нотижорат ташкилотлар тузилиши

мумкин (масалан, давлат муассасалари).⁴ Шундай экан, ушбу таъриф ҳам нотижорат ташкилот тушунчасини тўла очиб бера олмайди. Шунингдек, муайян тижоратчи бўлмаган ташкилот фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида уларнинг ўзига хос хусусиятлари инobatга олинган ҳолда таъриф берилган.

Масалан, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги қонуннинг⁵ 3-моддасида: "Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкӣ бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди, деб эътироф этилади ёки "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги⁶ қонунда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси — тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир, деб таъриф берилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар тушунчасига берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда уларга хос бўлган қуйидаги белгиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган;

- даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган;

- олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган;

- ўзини ўзи бошқарадиган.

Қонунда назарда тутилган мазкур белгилардан иккитаси, яъни "даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган" ва "олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайди"ганини барча тижоратчи бўлмаган ташкилотларга хос белги сифатида эътироф этиш мумкин.

Қолган белгилар нафақат нотижорат, балки тижоратчи ташкилотларга ҳам таллуқли бўлиши мумкин. Жумладан, тижоратчи ташкилот бўлган масъулияти чекланган ёки қўшимча маъсулиятли жамиятлар ҳам жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ўзаро ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Қонун ҳужжатларида тижоратчи ташкилот очиш мажбуригини назарда тутувчи нормалар мавжуд эмас. Шунингдек, "ўзини ўзи бошқариш" тушунчаси юридик шахсларнинг мустақиллигини, ўзини-ўзи молиявий таъминлашини, бошқарувни ўзи белгилашини англатиб, бу ҳам барча юридик шахсларга хосдир.

Демак, баён этилганлардан келиб чиқиб, тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг хусусиятини акс эттирадиган асосий иккита белгини кўрсатиш мумкин:

1. Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмайди;

2. Олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нотижорат ташкилотлар юридик шахс сифатида уларга хос бўлган барча умумий белгилар билан бирга ўзига хос махсус белгилари орқали ҳам нотижорат ташкилот сифатида намоён бўлади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, нотижорат ташкилоти тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Яъни

нотижорат ташкилоти деб фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмайдиган, ўзининг низомида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин бўлган ва тадбиркорлик фаолияти натижасида олган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ташкилотга айтилади.

Фуқролик кодексида назарда тутилганидек, тижоратчи бўлмаган ташкилот фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади деб билмаса, ўзининг низомида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Бу борада таниқли ҳуқуқшунос олим, профессор И.Б. Зокиров қуйидаги фикрларни билдиради: "Шу муносабат билан нотижорат юридик шахсларга нисбатан Фуқаролик кодексида "фойда олишни мақсад қилиб олмаган" деган ибора эмас, балки "фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган" ибораси белгиланган. Бу эса, нотижорат ташкилоти тадбиркорлик билан шуғулланиши, муайян фойда кўриши мумкинлигини белгилайди".⁷

Мамлакатимизда қарор топган нотижорат ташкилотлар билан боғлиқ муносабатларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, амалиётда деярли барча нотижорат юридик шахслар ўз уставларига зид бўлмаган тарзда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Бундай қоида фуқаролик қонунларида белгиланиши нотижорат (айниқса, нодавлат) ташкилотларнинг ўзини ўзи молиявий маблағ билан таъминлаш имкониятини яратиб бермоқда. Нотижорат юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти натижасида олган даромадларининг қатнашчилар ўртасида тақсимланмаслиги эса, уларни тижорат ташкилотларидан, шунингдек, профессионал бизнес билан шуғулланишларидан ажратиш туради.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик I-қисм. -Т.: ТДҲОИ, 2009. -Б. 185.

² Гражданское право. Том 1. Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 2007. -С. 166-168.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. 5-сон. 115-модда.

⁴ Раҳмонқулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). -Т.: ТДҲОИ 2010. -Б. 220.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 141-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 1-сон, 3-модда.

⁷ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик I-қисм. -Т.: ТДҲОИ, 2009. -Б. 186.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорликни шакллантириш ва ялпи миллий бойликни яратишда хусусий тадбиркорликнинг улушни оширишга катта эътибор қаратиб келинмоқди. Бунда давлатимиз раҳбари Ислон Каримов томонидан белгилаб берилган, Ўзбекистон бозор ислоҳотларига ўтишининг беш асосий тамойили муҳим аҳамиятга касб этди. Чунки айнан мазкур тамойиллар асосида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Н. АШУРОВА,
юридик фанлари номзоди

Бинобарин, давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди.

Шу нуқтаи назардан тадбиркорлик соҳасини шакллантириш ва ривожлантириш ҳам Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилди. Бунда кичик бизнесга кенг имкониятлар ва имтёзлар бериш, ушбу соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг кафолатли тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тад-

биркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижасида 2014 йил фермер ва деҳқон хўжалиқларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса, 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг кафолатлари ва шартлари тадбиркорлик фаолиятининг барча тоифалари ва турлари учун қулай бизнес муҳитини яра-

тишга қаратилган. Ана шундай қулай бизнес муҳити тадбиркорликнинг ўзига хос кўриниши ва тури ҳисобланган кичик бизнесда ҳам кузатилади.

Ўрни келганда шуни қайд этиш керакки, амалдаги қонунчиликда "кичик бизнес" атамасининг аниқ таърифи ифодаланмаган. Бироқ "бизнес" атамаси тадбиркорлик маъносида қўлланилиши сабабли жорий қонунчиликда "кичик тадбиркорлик" атамаси қўлланилади ва бу тушунчага "тадбиркорлик фаолияти" тушунчасига берилган таърифдан келиб чиқиб, таъриф бериш мумкин. 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилдиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган та-

шаббускорлик фаолиятидир. Ўз навбатида, "кичик тадбиркорлик фаолияти — кичик тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият" ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида тадбиркорлик фаолияти субъектлари кимлар бўлиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти ҳимоясига қаратилган қонун ҳужжатлари изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчилар киритиш тўғрисида"ги қонун билан 10 та кодекс ва 33 та қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Маъмурий ва Жиноят кодексларига тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний

аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган ҳаракатлар учун жавобгарликни белгилловчи нормалар киритилди.

Унда хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик фаолиятини текшириш ва молия хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, уларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисоб варақлари бўйича опрецияларини ноқонуний тўхтатиб туриш, уларни ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб таомилларини бузиш, имтиёзлар ва преференциялар қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ва қўллашга тўсқинлик қилиш каби қилмишлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Маҳаллий ҳокимликлар ёки назорат органлари томонидан тадбиркорни ҳомийликка ва бошқа шу турдаги тадбирларга мажбурий жалб қилиш Жиноят кодексининг 192⁴-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортиладиган бўлди. Жиноят кодексининг 192²-моддасида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ноқонуний текшириш ёки шундай ташаббус билан чиққан назорат органларига нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғриси-

даги кодексга ҳам "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик" номли янги XVI-боб қўшилди.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 91-моддаси 11-қисмига қўшимча киритилиб, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат охириги режали текширишдан кейинги, лекин янги текшириш ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги беш календар йилдан кўп бўлмаган даврни қамраб олиши белгилаб қўйилди.

Солиқ кодексининг 108-моддасига киритилган ўзгартиш билан солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санкциялар ҳар бир ҳуқуқбузарликка нисбатан алоҳида-алоҳида қўлланилиши ўрнига, унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олинишини назарда тутувчи меъёрлар белгиланди.

Албатта, бу каби янги тартиб ва таомилларнинг амалиётга жорий этилиши тадбиркорларнинг янги ташаббуслар кўрсатишига, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш каби стратегик мақсад ва вазифаларни амалга оширишга замин яратмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этишни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиб, 20дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар табиатни муҳофаза қилиш муносабатларини мукамал тартибга солишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга қаратилган.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқий асосларининг юридик табиати

Азим ХОДЖАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси

Президенти девони масъул ходими

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси экологик муносабатларни тартибга солишда ҳам муҳим ва асосий ҳуқуқий манба ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши бутун қонунчилик, шу жумладан, экологик қонунчилик шаклланишида муҳим асос бўлди. Зотан, Асосий қонунимизда инсоннинг экология соҳасидаги уч қиррали фаолияти тартибга солинган: табиатдан фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш. Бундан ташқари Конституцияда фуқароларнинг экология соҳасидаги бурчлари (50-модда), мулкдан фойдаланишда экологик талабларни инобатга олиш (54-модда), табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи (55-модда), экология соҳасидаги давлат ҳокимият органлари (80-модда), маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ваколатлари (100-модда) каби масалалар ҳам ўз аксини топган.

Ушбу мавзуда фикр юритганда, Асосий қонундаги ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захираларнинг умуммиллий бойлик эканлигини эътироф этувчи, шунингдек, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги талабини мустаҳкамловчи 55-моддага қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки Конституцияда бундай талабнинг белгиланиши муҳим аҳамиятга эга. Унда биринчидан, мустақиллигимизнинг моддий асосини ташкил этувчи табиий бойликлар халқимизнинг бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан, табиий ресурслардан фақат оқилона фойдаланиш зарурлиги; учинчидан, республикамиз табиати давлат муҳофазасига олинганлиги, яъни экологик-ҳуқуқий муносабатларни давлат то-

монидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни мустаҳкамлайди.

Асосий қонунимизда давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган бўлса, ушбу конституциявий қоидаларга мос равишда қабул қилинган қонунларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш талаблари, механизми мустаҳкамланган. 1992 йил 9 декабрдаги "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун мустақиллик шароитида қабул қилинган экология соҳасидаги илк комплекс қонун ҳужжати ҳисобланади. Ушбу қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тартибга солишда ҳам "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг аҳамияти катта. Жумладан, қонуннинг муқаддимасида унинг вазифаларидан бири сифатида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб бериш назарда тутилган.

Айтиш керакки, ушбу қонун барқарор ривожланишнинг асосий шarti сифатида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни белгилайди. Қонун нормаларини таҳлил қилар эканмиз, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш турли мазмунларда қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, унда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш табиат объектларидан ифлосланиши, бузилиши, зарарланиши, ориқлаб кетиши, вайрон бўлиши, йўқ бўлиб кетишининг олди олинган ҳолда фойдаланиш (2-модда), самарали ва барқарор, ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш (3-модда), табиий ресурсларни тиклайдиган, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймайдиган

фойдаланиш (4-модда), табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиб, экология талабларига риоя этган ҳолда фойдаланиш (12-модда), комплекс, шунингдек, атроф табиий муҳит ифлосланишининг олдини олиб фойдаланиш (18-модда) сифатидаги мазмунларда ифодаланган. Таъкидлаш ўринлики, ушбу қонунда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар комплекс тартибга солинган.

Шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар табиий ресурслар қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Яъни ҳар бир табиий ресурсдан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи алоҳида қонунларда улардан оқилона фойдаланиш талаби белгиланган. Жумладан, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 1, 3, 6, 10, 11, 182, 35, 351, 39, 58, 59, 106 ва бошқа моддаларида сув объектларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган.

"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг асосий вазифаларидан бири ҳам ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборат. Бу аввало, фойдаланишга бериб қўйилган ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг мажбурияти сифатида белгиланиши (10-модда) билан таъминланади. Шунингдек, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш учун ўсимлик дунёси объектлари ва улардан фойдаланишнинг давлат ҳисоби, ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри юритилади (26-модда).

Таъкидлаш лозимки, табиий ресурслар қонунчилигида ҳар бир табиий ресурснинг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда махсус қоидалар ҳам белгиланган. Масалан, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 106-моддасида сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий чора-тадбирлари сифатида сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари, сув объектларини ифлослантирганлик ва уларга зарарли таъсир этишнинг ўзга турлари учун ҳақ олишни; сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда, сувни муҳофаза қилиш ва тежашда самарали бўлган фаолиятни амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзларни; ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, экологик рағбатлантириш ва бошқача рағбатлантиришнинг самарали чора-тадбирлари тизимини қўллашни на-

зарда тутати, деб белгиланган.

Демак, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари гувоҳи бўлганимиздек, деярли барча экологик қонунларда уларнинг асосий вазифаси, принципи, табиий ресурслардан фойдаланишнинг муҳим талаби, табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг мажбурияти, табиий ресурслардан фойдаланишнинг шартли сифатида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган қонун ижодкорлиги доирасида қабул қилинган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун табиатдан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, қонуннинг экологик назорат тунчасига оид 3-моддасида экологик назорат таърифида ушбу институтнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга қаратилганлиги қайд этилган. Тегишли қоида қонуннинг экологик назорат вазифаларига оид 4-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, ушбу моддада табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишига олиб келишини аниқлаш; юридик ва жисмоний шахсларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга риоя этилишини таъминлаш ҳам экологик назорат вазифаларидан бири сифатида кўзда тутилган.

Қонунда атроф табиий муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишига олиб келиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик — экологик назорат объектларидан бири сифатида кўзда тутилган (7-модда). Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси — табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида; Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси — ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан давлат экологик назоратини амалга оширади (11-модда). Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисида тегишли давлат органларига мурожаат қилиш ва ахборот олиш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; экологик назорат жараёнида аниқланган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши фактини бартараф этиш каби ҳуқуқлар берилган (14-модда).

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Суд битимни ҳақиқий деб топишда амалдаги қонун ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига зид қарор қабул қилганлиги сабабли суд қарори бекор қилиниб, даъво рад этилди.

М.Чўлиев жавобгар Д.Эгамовага нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавобгарга тегишли аптека биносини, кейинчалик сомсахона биносини ҳамда ушбу бинолар оралиғидаги 1,5 метр ер участкасини ҳам сотиб олганлигини, лекин жавобгар ушбу ер участкасини сотганлигини тан олмасдан, бинодан фойдаланишига тўсқинлик қилаётганлигини билдириб, аптека ва сомсахона биноси оралиғидаги ер участкаси бўйича тузилган оғзаки олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш, мулкни асл ҳолига келтириш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туманлараро судининг 2015 йил 18 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, М.Чўлиев ва Д.Эгамова ўртасида тузилган оғзаки олди-сотди битими ҳақиқий деб топилган ва Д.Эгамовага кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш мажбурияти юкланган.

Даъвонинг қолган қисми рад этилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 14 октябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 24 майдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларининг оғзаки олди-сотди

битимини ҳақиқий деб топиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш мажбуриятини юклашга оид қисми бекор қилиниб, мазкур даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилди.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 13-сонли қарори 3-бандига кўра, ҳал қилув қарорида иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина, у асосли бўлиб хисобланади.

Аниқланишича, 2014 йил 14 февралда Д.Эгамова ўзига тегишли савдо дўконининг 0002 — ифодали 45,50 кв.м.дан иборат бир хонасини Д.Эшоновага ҳадя қилган.

Д.Эшонова ушбу савдо дўконини нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан 2012 йил 4 июнда М.Чўлиевга сотган.

2014 йил 4 ноябрда нотариал тасдиқланган сомсахона биноси олди-сотди шартномасига кўра, У.Эгамов сомсахона биносининг 0002-ифодали иккита хонасини Д.Эшоновага сотган.

Биринчи инстанция суди низоли сомсахона биносининг 0002-ифодали иккита хонасини ҳамда чизмадаги В-ифодали айвонни Д.Эгамова М.Чўлиев билан ўзаро келишувга асосан 50 000 000 (эллик миллион) сўмга сотганлигини, судда тан олган деб нотўғри хулосага келган.

Чунки Д.Эгамова ва М.Чўлиев ўртасида аптека ва сомсахона биноси ҳамда ушбу бинолар оралиғида 1,5 метр ер участкаси бўйича олди-сотди шартномаси тузилган-

лигини тасдиқлайдиган бирор-бир ёзма далил мавжуд эмас.

Фуқаролик ишидаги Д.Эгамова томонидан ёзилган аризаларда ҳам низоли ер участкасини даъвогар М.Чўлиевга сотилмаганлиги, у билан ҳеч қандай оғзаки келишув тузилмаганлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Фуқаролик кодексини тадбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 16-сонли қарори 5-бандига кўра, битимнинг тўла ёки қисман бажарилиши ёзма далиллар мавжуд бўлганда эътиборга олиниб, ҳақиқий деб топилши мумкин. Олди-сотди битимининг ҳақиқийлиги сотувчига квартира ёки уй қийматини тўла ёки қисман бериш қисмининг амалга оширилганлиги гувоҳлар кўрсатмаси билан тасдиқланиши мумкин эмас. Фуқаролик процессуал кодексининг 59-моддасига биноан қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларни бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас.

6-178-16-сонли ажрим

Меҳнат шартномасини бекор қилишга ходим шу корхонадаги ишни ҳақиқатдан ҳам, ташлаб кетиш истагини билдириб ёзган аризасига биноан йўл қўйилади. Судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги вазларини синчковлик билан текширмақлари лозим.

А.Каланов жавобгар Марказий Банк Н.бош бошқармасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, бошқарманинг 2015

йил 14 сентябрдаги 21-сонли буйруғини бекор қилиб, ишга тиклашни ва иш ҳақи ҳамда маънавий зарар учун 3.000.000 сўм ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2015 йил 21 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, А.Калановнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, у Марказий Банк Н. бош бошқармасига хўжалик хизмати иморатлардан фойдаланиш бўлимининг бошлиғи лавозимига тикланган.

А.Калановнинг фойдасига Марказий Банк Н. бош бошқармасидан 2.553.223 сўм иш ҳақи ва бошқарма бошқарувчиси С.Ниёзовдан маънавий зарар учун 2.100.000 сўм компенсация ундириш белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2015 йил 3 декабрдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъво-ни рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2016 йил 29 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги қарори 3-бандига мувофиқ, ҳал қилув қарорида иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина, у асосли бўлиб ҳисобланади.

Аниқланишича, А.Каланов 2015 йил 5 январдан бошлаб Марказий Банк Н. бош бошқармасининг хўжалик хизмати иморатлардан фойдаланиш бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, бошқарманинг 2015 йил 14 сентябрдаги 21-сон-

ли бўйруғига асосан у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан бекор қилинган.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 99-моддасига кўра, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин. Ушбу асослар ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Апелляция инстанцияси А.Каланов ўзининг 2015 йил 29 августдаги ишдан бўшатиш ҳақидаги аризасини икки ҳафта муддат ичида қайтариб олмаганлигини, бошқа ишга ўтиш истаги бўлганлигини асос қилиб, даъвони рад этиш ҳақида нотўғри тўхтамга келган.

Ваҳоланки, ишдаги А.Калановнинг бошқарма бошлиғи номига ёзган аризасида меҳнат шартномасини бекор қилиш сўралмаган, аслида "Ўз хоҳишимсиз ишдан чиқаришингизни сўранаман" деб кўрсатилган.

Шунга қарамасдан, иш берувчи — Банк томонидан меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан бекор қилинган.

Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"ги 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори 15-бандига мувофиқ, меҳнат шартномасини бекор қилишга ходим шу корхонадаги ишни ҳақиқатда ташлаб кетиш истагини билдирган ёзма аризасига биноан йўл қўйилади. Судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини

бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги важларини синчковлик билан текширмоқлари лозим.

Апелляция инстанцияси томонидан мазкур Пленум қарори талабларига риоя қилинмасдан, А.Калановнинг бошқармадаги ишни ҳақиқатдан ҳам, ташлаб кетиш истаги бўлмаганлигига, ишдан бўшаш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида "Ўз хоҳишимсиз ишдан чиқаришингизни сўранаман" деб ёзганлигига, шунингдек, ишдан бўшаш ҳақидаги аризада сана кўрсатилмаганлигига эътибор берилмаган.

Биринчи инстанция суди ишнинг барча ҳолатларини батафсил текширган ҳолда қонуний тўхтамга келган бўлса-да, апелляция инстанцияси биринчи инстанция суди қарорини асоссиз бекор қилиш ва даъвони рад этиш ҳақида ноқонуний хулосага келган.

6-155-16-сонли ажрим

Апелляция инстанцияси ажрим ишда баён қилинган хулоса иш ҳолатига мувофиқ эмаслиги сабабли бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Б.Мажидов жавобгарлар Б.Хушова, Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Н. вилоят ҳудудий бошқармаси ва З. туман ҳокимлигига нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, низоли уйни Б.Хушовадан 1998 йил 26 августда 400 000 сўмга тилхат асосида сотиб олиб, келишилган пулнинг асосий қисмини берган бўлса-да, жавобгар олди-сотди шартномаси тузишдан бош тортиб келаётганлигини, Б.Хушованинг ўзига нисбатан уй-

жойдан кўчириш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилганлигини, айна пайтда унга ордер берилиши билан боғлиқ ҳужжатлар мавжуд эмаслиги аниқланганлигини, хусусийлаштириш вақтида Б.Хушованинг низоли уйда яшаган вояга етган оила аъзоларининг розилиги олинмаганлигини билдириб, 1993 йил 22 июнда Б.Хушовага низоли уй учун берилган давлат ордерини, туман ҳокимлигининг 1992 йил 28 октябрдаги 224-қ-сонли қарорининг Б.Хушовага тегишли қисмини ва 1992 йил 29 октябрдаги квартирани хусусийлаштириш ҳақидаги аризасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2015 йил 5 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Б.Мажидовнинг давлат ордерини, ҳоким қарорини ва аризани ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво талаблари рад қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 22 октябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг қарори қисман бекор қилиниб, 1993 йил 22 июнда вилоят давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси томонидан низоли уй учун Б.Хушова номига берилган 1304-сонли ордер ҳақиқий эмас, деб топилган.

Даъвонинг Б.Хушова томонидан 1992 йил 29 октябрда 3. туман ҳокими номига низоли хонадонни ўз мулки қилиб, имтиёз асосида бепул хусусийлаштириб беришни сўраб ёзган аризасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги қисми иш юритишдан тугатилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 15 мартдаги ажрими билан куйидаги асосларга кўра, апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилди.

Аниқланишича, В.Хушов Б.Хушо-

ва билан 1987 йилдан бирга яшаб, 1991 йилда қонуний никоҳдан ўтишган ва низоли уйда В.Хушовнинг олдинги турмушидан бўлган 4 нафар ва ўзаро турмушларидан туғилган 2 нафар фарзандлари билан бирга яшаб келишган.

Низоли уйнинг Б.Хушованинг номига хусусийлаштирилишида эри В.Хушов розилик берган.

Туман ҳокимининг 1992 йил 28 октябрдаги 224-қ-сонли қарорига кўра, туманда фаолият кўрсатган ижодкор ва тиббиёт ходимларига ўзлари яшаб турган давлат уйлари-ни бепул имтиёз асосида шахсий мулк қилиб берилган.

1993 йилда тасдиқланган далолатномага кўра, низоли хонадон Б.Хушовага топширилган ва 1993 йил 15 июнда давлат рўйхатидан ўтказилиб, 22 июнда давлат ордери берилган.

1995 йилда Б.Хушова оила аъзолари билан доимий яшаш учун Россия Федерациясига кўчиб кетган.

Туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси томонидан берилган 2015 йил 20 июлдаги 01/767-сонли хатда, низоли хонадон бирор-бир шахснинг номига давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси биргина ушбу хатни асос қилиб, Б.Хушовада низоли хонадонни хусусийлаштирилиши билан боғлиқ тегишли ҳужжатлар мавжуд эмаслиги, хусусийлаштирилиш нотўғри амалга оширилгани, низоли хонадон бирор-бир шахснинг номига давлат рўйхатидан ўтказилмагани хусусида асоссиз хулосага келган.

Ваҳоланки, туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси томонидан қайта 2015 йил 16 ноябрда берилган 1/1407-сонли хатга кўра, низоли уй-жой Б.Хушова номига 1993 йил 15 июнда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги кўрсатилган.

6-106-16-сонли ажрим

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Ишни кўришда моддий ҳуқуқ нормаси ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмагани учун жиноят иши янгидан кассация инстанциясида кўриш учун юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон тумани судининг 2013 йил 17 апрелдаги ажримига кўра, Ж.ни Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми "б" банди, 228-моддаси 3-қисми билан айб-лаш ҳақидаги жиноят иши Жиноят кодексининг 36-моддасига асосан тугатилган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 13 мартдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ажримига кўра, Ж. 2010 йил 25 июнь куни Ўзбекистон тумани, Ў. қишлоғида яшовчи Қ.дан унинг номига расмийлаштирилмаган уй-жойни сотиб олгач, ушбу уй-жойни ўзининг номига ўтказиш учун Қўқон шаҳар давлат архиви ходими З. билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, унга хизмат ҳақи учун 23.000 сўм берган ва Қ. ва унинг оила аъзолари 1971-1973 йилларда Ўзбекистон тумани М. қишлоқ кенгаши, Ў. қишлоғи хўжалик дафтарида қайд этилгани ҳақидаги сохта маълумотнома ёздириб олган. Шундан сўнг у ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиб, туман хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонасига тақдим қилган, натижада 2012 йил 18 октябрь куни мазкур уй-жойни ўзининг номига ўтказиб олиб, жиноят деб топилмайдиган кам аҳамиятли қилмиш содир этган.

Жиноят кодексининг 36-моддасида гарчи ушбу кодексда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракат-

сизлик жиноят деб топилмаслиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 9-бандига кўра, Жиноят кодексининг 36-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, шахсга нисбатан Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисмига асосан оқлов ҳукми чиқарилиши лозим.

Иш материалларига қараганда, биринчи инстанция суди Ж. томонидан содир этилган ҳаракатларни кам аҳамиятли қилмиш сифатида эътироф этган бир вазиятда, жиноят ишини ажрим билан тугатиб, қайд этилган қонун талаби ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилмаган.

Кассация инстанцияси эса, ушбу ҳолатни эътибордан четга қолдириб, суднинг хатосини бартараф этиш чорасини кўрмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 28 апрелдаги ажрими билан Ж.га нисбатан чиқарилган Фарғона вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 13 мартдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кассация инстанциясида кўриш учун юборилди.

5-212-16-сонли назорат иши

Апелляция инстанциясининг ўз ваколатларидан тўла фойдаланмагани шу инстанция суди ажрими бекор қилинишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2014 йил 4 августдаги ҳукмига кўра, А. Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми "б" банди билан ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, Жиноят кодексининг 228-моддаси 3-қисми билан ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида ойлик иш

ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, 2013 йил 24 сентябрда А.га берилган АА серияли 3011022 рақамли биометрик паспорт Ички ишлар вазирлиги ХЧК ва ФРБ ихтиёрида қолдирилиши белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 16 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, қуйидаги ҳолатларда А. жиноят содир этишда айбдор деб топилган. Жумладан, А. Қашқадарё вилояти, Фузор туманида туғилиб, 1982 йилда Фузор туманидан рўйхатдан чиқиб, Тожикистон Республикасига борган ва у ерда 1992 йилнинг ёз ойларига қадар яшагач, оила-аъзолари билан доимий истиқомат қилиш учун яна Қашқадарё вилояти, Фузор туманига кўчиб келган.

А. Тожикистон Республикаси ҳудудида ҳарбий ҳисобда турган бўлса-да, собиқ иттифоқ ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг амалдаги буйруқларига зид равишда, Ўзбекистон Республикасида ҳарбий ҳисобда турмагани ҳолда, 1992 йил 27 июлда доимий яшовчи тариқасида паспортини рўйхатга қўйиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини олиш мақсадида, Фузор тумани ИИБ паспорт бўлинмаси собиқ бошлиғи Т. билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1993 йилдаги 120-сонли, 1994 йилдаги 340-сонли (ҳаракатдан тўхтатилган) ҳамда 1999 йилдаги 55-сонли буйруқлари талабларини бузгани ҳолда, сохта ҳужжатлар тайёрлаб, Фузор тумани Ички ишлар бўлими паспорт бўлинмасига тақдим қилган ва 1999 йил 17 июнда "СМ 0908982" рақамли қалбаки фуқаролик паспортини олишга эришган.

А. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 45 ёшга тўлиши муносабати билан 2010 йил 5 августда Тош-

кент шаҳар Яшнобод тумани Ички ишлар бошқармасидан фуқаролик паспортини алмаштириб, кейинчалик ушбу паспортни 2013 йил 24 сентябрда АА серияли "3011022" рақамли Ўзбекистон Республикаси биометрик фуқаролик паспортига алмаштириб, ундан 2014 йил 20 февралга қадар фойдаланиб келган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори 15-бандида, апелляция инстанцияси суди тўлиқ суд тергови ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатлар натижасига кўра, ҳуқуқий баҳо бериши белгиланган.

Иш материалларига қараганда, А. 1982 йилдан 1992 йилга қадар Тожикистон Республикасида яшаб, Ўзбекистонга қайтиб келиб, Ички ишлар идораларига мурожаат қилгач, Қашқадарё вилояти, Фузор туманига, 1982 йилгача яшаб келган манзилига доимий рўйхатга олинган.

Суд А.нинг Тожикистон Республикасида ҳарбий ҳисобда турган бўлса-да, ўрнатилган тартибни бузиб, доимий рўйхатга туриш учун асос ҳисобланган бу зарурий ҳолатни чеклаб, Ўзбекистонда доимий рўйхатга турганлиги масаласини ойдинлаштирмаган.

Тергов органи А.ни доимий рўйхатдан ўтишда собиқ Иттифоқ ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўша пайтдаги амалдаги буй-

руқларини бузганликда айблаган бўлса-да, айнан қайси норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлигига аниқлик киритмаган, шу даврда амалда бўлган тартиб бўйича мутахассисларнинг ҳулосасини олмаган.

Суд эса, ушбу камчиликларни барта-раф этиш, А.нинг ҳужжатларини доимий рўйхатга туриш учун расмийлаштириш-да, уларнинг тўғрилигини текширган ва кейинги жараёнларга масъул бўлган паспорт бўлими ходимларини аниқлаб, уларни судда сўроқ қилиш йўли билан ҳолатга аниқлик киритиш чораларини кўрмаган.

А. расмий ҳужжатларни қалбакилаш-тиришда, паспорт бўлинмаси бошлиғи Т. билан олдиндан тил бириктирганлик-да айбланган бўлса-да, улар ўртасида юзлаштириш ўтказилмаган.

Бундан ташқари Ички ишлар идора-ларининг паспорт берилишига алоқа-дор мутахассисларини сўроқ қилиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси-да туғилиб ўсган, орада олий таълим олиш мақсадида Тожикистон Респуб-ликасида яшаб, "Ўзбекистон Респуб-ликасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонун кучга киргунига (1992 йил 28 июлга) қадар қайтадан доимий рўйхат-га ўтган А.нинг Ўзбекистон Республи-каси фуқароси ҳисобланиши мумкин ёки мумкин эмаслигига аниқлик кири-тилмаган.

Апелляция инстанцияси А.нинг апел-ляция шикоятда баён этган важлари ҳамда биринчи инстанция судининг иш-нинг ҳақиқий ҳолатларини қанчалик тўғри аниқланганлигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширмасдан ҳукм-ни ўзгартириш қолдириш ҳақида бар-вақт ҳулосага келган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишла-ри бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 18 февралдаги ажрими билан А.га нис-батан чиқарилган Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 16 сентябрдаги ажрими бекор қи-линиб, жиноят иши янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юбо-рилди.

5-30-16-сонли назорат иши

Судланувчининг ҳимоя ҳу-қуқи бузилганлиги учун суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан бирин-чи инстанция судида кўриш учун юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Хива туман су-дининг 2015 йил 29 сентябрдаги ҳук-мига кўра, Р. Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" банди билан 5 йил, 241¹-моддаси билан 3 йил озод-ликдан маҳрум қилиш, 205-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланиб, 3 йил мансабдор-лик ва моддий жавобгарлик лавозимла-рида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил, 227-моддаси 2-қисми "а" банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш иш-лари, Жиноят кодексининг 59, 61-мод-далари тартибида 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимлари-да ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вило-ят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 19 ноябрдаги ажрими билан ҳукм-нинг Р.га оид қисми ўзгартирилиб, унинг айбидан Жиноят кодексининг 227-модда-си 2-қисми "а" банди ва 241¹-моддаси чиқарилиб, тайинланган жазо 3 йил ман-сабдорлик ва моддий жавобгарлик лаво-зимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р. қуйидаги ҳолатларда жиноятлар содир этганлик-да айбдор деб топилган. Р. Гурлан ту-ман ички ишлар бўлими ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили лавозимида ишлаб ке-либ, "Бунёдкор" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Т.нинг жамиятга қарашли объектдан 4 қоп цемент ўғир-лангани ҳақидаги аризаси юзасидан су-риштирув ўтказиш давомида Т. билан олдиндан тил бириктириб, 2014 йил июль-декабрь ойларида қурилиш май-донидан 10 тонна цемент, 300 метр ар-матура ва 1 та сув насос ҳам ўғирлан-ганини билгани ҳолда тегишли тартиб-да рўйхатдан ўтказмасдан, жиноятни ҳисобга олишни қасддан яширади ва Ю.

ва А.ни 2014 йил декабрь ойида "Бунёдкор" МЧЖга қарашли қурилиш объектидан 4 қоп цемент ўғирлаганликда айблаб, уларга тазйиқ ўтказди, жиноят иши кўзғатиб, автомашинани мусодара қилиш билан қўрқитиб, 10 тонна цемент, 300 метр арматура ва 1 та сув насос келтириб беришни талаб қилди. 2015 йил 2 январь куни Ю.дан 4.150 кг. цемент маҳсулоти олиб товламачилик қилган.

Бундан ташқари Р. мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиб, 2014 йил декабрь ойи ўрталарида А.нинг транспорт воситасини қайд этиш ва ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиб қўйиб, қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказган.

Т. дастлабки тергов ва судда, 2014 йил декабрь ойи бошларида туман ИИБ бошлиғи биринчи ўринбосари К.га жамият иш бошқарувчиси Ю. 4 қоп цемент ўғирлагани ҳақида ариза билан мурожаат қилгани, орадан бир неча кун ўтгач, ИИБ ЖК бўлими ходими Р. иш жойига келиб, ўғирлик факти бўйича ёзган аризаси унга берилганини айтиб, жамият ходимлари Ю., А. ва Б. билан гаплашиб, ўғирланган нарсаларни жойига қайтаришмаса, жавобгар бўлишларини, автомашина мусодара қилинишини айтгани, Р.га қурилиш объектидан цементдан ташқари арматура ва сув насос ҳам ўғирланганини айтгани ҳақида кўрсатма берган.

Р. дастлабки терговда, (ЖПКнинг 272-моддаси тартибида суд залидан четлатилганлиги сабабли судда сўралмаган) 2014 йил декабрь ойида Т.нинг жамиятга қарашли объектдан 4 қоп цемент ўғирлаганлиги ҳақида туман ИИБга ариза билан мурожаат қилганидан хабари йўқлиги, бу ҳолат бўйича бирор киши билан гаплашмагани, суриштирув ишлари олиб бормагани, Ю., А. Б.га ўғирланган нарсаларни олиб келишлари, акс ҳолда жавобгар бўлишлари, автомашина мусодара қилиниши ҳақида айтмагани, шунингдек, Т. цементдан ташқари арматура ва сув насос ҳам ўғирлангани ҳақида унга айтмагани, ўғирлик факти бўйича жамиятга умуман бормагани

ҳақида кўрсатма берган.

